VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

46 (211) ● 2012 йил 14 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



2013 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида қизғин муҳокама қилинди.



САМАРҚАНД вилояти Самарқанд туманида яшовчи Мансур Нуриллаевлар оиласи миллий ҳунармандчилигимиз ривожига фаол ҳисса қўшиб келаётир. Оила бошлиғи миниатюрачи-рассом М.Нуриллаев Самарқанд шаҳридаги "Руҳобод" ҳунармандлар марказида фаолият юритади.



БОЛАЛАР мусиқа ва санъат мактаблари кўплаб ёш истеъдодларни тарбиялаб вояга етказмоқда.

4 ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 5 МАЪНАВИЯТ 8 КЎЗГУ

**ХАБАРЛАР**

## Савобли ишлар кўлами кенгаймоқда

**Пойтахтимизда бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Ҳудудий йўл ташкилотининг темир йўл транспорти тизимидаги фаолияти муҳокама этилди.**

Унда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси вакиллари, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти фаоллари, кўнгиллилар, журналистлар иштирок этди. Бугунги кунда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Ҳудудий йўл ташкилоти 3500 нафар кишини васийликка олган. Шу йилнинг 10 ойида жамият васийликка олинган кишиларга озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим, пойабзал ва қимматли совғалардан иборат умумий қиймати 600 миллион сўмдан ортиқ инсонпарварлик ёрдами кўрсатди. Анжуманда минтақамизда кўп учрайдиган юқумли касалликларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида беғараз донорликни тарғиб қилиш борасида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

## Дискуссион форум

**Тошкент вилоятида "Dilemma" VI республика дискуссион форуми иш бошлади.**

Тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури, Сиёсий тадқиқотлар маркази ва Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Беш кун давомида "Биз бир жамоа" акцияси доирасида "Dilemma" клубига саралаб олинган 14 жамоа финалда ўзаро баҳслашади. Турнирнинг финал босқичи 16 ноябрь куни Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтади. "Dilemma" форумини фақат нотиқлар минбари деб бўлмайди. Ушбу лойиҳа ёшларнинг ғоя ва ташаббусларини амалга оширишга хизмат қилади. Форумдаги ҳудудий долзарб муаммоларни ўзида акс эттира олган муайян лойиҳаларни келгусида ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилган.

## Ёш истеъдод соҳиблари танлови

**"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилаётган "Янги авлод — 2012" болалар ижодиёти фестивалининг Андижон вилояти босқичи якунланди.**

Йилдан-йилга нуфузи ва иштирокчилари сони ортиб бораётган мазкур анъанавий фестивалнинг Андижон вилояти туман ва шаҳар босқичларида 1800 нафарга яқин ўғил-қиз иштирок этди. Уларнинг 566 нафари вилоят босқичида мумтоз, вокал, миллий чолғулар, рақс, амалий ва тасвирий санъат ҳамда адабиёт йўналишлари бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш этди. — Танловда жажжи истеъдодларнинг ўзига бўлган ишончи ва ғолибликка иштиёқи янада ошди, - дейди Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Г.Омонова. — Ана шундай фаол ёшларни кашф этишда мазкур фестивалнинг роли беқиёсдир. Фестиваль якунида барча йўналишлар бўйича 38 нафар иштирокчи ва икки гуруҳ ғолиб деб топилди.



**2012 ЙИЛ — МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ**

# Умр безаги ва мазмуни

***Ўзаро ишонч, ҳурмат ва меҳр-муҳаббат асосига қурилган оила - инсон умрининг безаги, мазмуни. Миллий қадриятларимизда оила ва оилавий муносабатлар муҳим ўрин тутади. Оилани муқаддас билиб, унга ҳамиша садоқат билан ёндашиш кўникмаси қон-қонимизга сингиб кетган.***

Термизлик Санжар Саидов — ёш оила соҳиби. Шаҳардаги "Нафис мебеллар уйи" корхонасида иқтисодчи бўлиб ишлайди. Унинг вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази шифокори Дилафрўз Равшанова билан турмуш қурганига ҳали кўп бўлмади. Бироқ мана шу қисқа вақт бу ёшларнинг бир-бирига муносиб умр йўлдош, ҳаёт қувонч ва ташвишларини тенг бўлишадиган ҳамфикр эканликларини кўрсатди.

Мамлакатимизда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибордан Санжар ва Дилафрўз беҳад мамнун. Улар мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, Термиз шаҳрида барпо этилган янги, замонавий уй-жойга эга бўлди. Шинам, барча қулайликларга эга хонадонда тинч-тотув, бахтли ҳаёт кечираётган бу ёш оилада ҳар томонлама соғлом камолга етаётган фарзанд энди уч ёшни қаршилайди.

**Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

# Ёрқин келажак асоси ва тимсоли

***Мустақиллигимиз меваси, Ўзбекистон Республикасининг бугунги куни ва келажагининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берган, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топишига замин яратган, инсон омилини бош мезон даражасига кўтарган, ҳуқуқ ва манфаатларини белгилаб берган Бош Қонунимиз — Конституциямиз қабул қилинганлигининг 20 йиллиги арафасида турибмиз.***

Ана шундай лаҳзаларда, табиийки, унинг тарихига яна бир бор назар ташлашга эҳтиёж сезилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тайёрлашга аслида 1990 йилнинг март ойидаёқ киришилган эди. Айни шу мақсадда, даставвал, ғарбу шарқ мамлакатларининг турли даврлардаги Конституцияси пухта ўрганилган. Халқаро ҳуқуқ нормалари, жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси каби бир қатор ҳужжатларга мурожаат қилинган. Энг муҳими, Конституциямизни яратишда халқимизнинг асрлар давомида тўпланган миллий маданий мероси ва қадриятлари асос бўлиб хизмат қилган.

Миллатимиз тарихига назар ташласак, юртимизда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий жараёнлар давлат-жамият-шахс муносабатлари асосида ташкил этилганига гувоҳ бўламиз. Амир Темур бобомизнинг "Темур тузуклари" ўша даврнинг ўзига хос Қомуси бўлган. Шахс манфаатларини ҳимоя қилиш, эл-элатларнинг ўзига хос жиҳатлари — қадриятлари, урф-одатларини қўллаб-қувватлаш ва қадрлаш мамлакатни идора қилишнинг асоси бўлиб хизмат қилган.

Конституциямиз халқимиз учун мустақил, суверен ва демократик тамойилларга асосланган янги давлатни барпо этиш, уни ривожлантириш имкониятини яратиш билан бирга жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топишига пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз айтганларидек, Конституция давлатни давлат қиладиган, миллатни бутун дунёга танитадиган бош омил ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган тараққиётимиз моделини босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида эришаётган барча ютуқларимиз, ҳаётимизни кўз ўнгимизда ўзгартираётган кенг кўламли ислоҳотлар Конституциямиз қоидаларига мос ва хосдир.

2-бет

**ПАРТИЯ ЛОЙИҲАСИ**

# Миллий тикланиш ғояси

**ЭНГ ЯХШИ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ ТАНЛОВНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ**

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Устави ва Дастурида партия жамиятнинг турли гуруҳлари ва қатламларига мансуб бўлган, миллий манфаатларни устувор қўйган ҳамда миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашда, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда, юртнинг гуллаб-яшнашини таъминлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишда онгли ва масъулиятли тарзда иштирок этувчи мамлакатимиз фуқароларини ихтиёрий асосда бирлаштириши ҳамда партия мафкурасини ёқловчи сиёсий фаол фуқароларнинг ёш авлодини шакллантиришга кўмаклашиши алоҳида таъкидланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ЎзМТДПнинг турли лойиҳалари муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Шу кунларда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида партиянинг йирик лойиҳаларидан бири - "Миллий тикланиш ғоясининг энг яхши тарғиботчиси" кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари ўтказилмоқда. Жумладан, ушбу кўрик-танловнинг Тошкент вилоят босқичида ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлари, ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, партиянинг туман ва шаҳар Кенгашлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари Б.Абдураҳмонов танловнинг аҳамиятига эътибор қаратди. Нотиқ "Миллий тикланиш ғоясининг энг яхши тарғиботчиси" кўрик-танлови партия фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ва жамият ҳаётига оид муҳим қарорлар қабул қилишдаги фаол иштирокини таъминлаш борасидаги вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз фаолиятини турли лойиҳалар асосида бошқаришни йўлга қўйган, - деди тадбирда сўз олган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Ж.Сафоев. — Жумладан, партиямиз аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий малакасини ошириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, тарғибот-ташвиқот ишларида таъсирчан шакл ва услубларни қўллаш, партия электорати билан ишлашда депутатлик гуруҳларининг ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда.

3-бет

***Истиқлолнинг илк кунларидан юртимизда кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ва сиёсий партияларнинг давлат бошқаруви ҳамда жамият ҳаётидаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса сиёсий партияларнинг демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқаролик институтларини мустаҳкамлашдаги ўрни ва ролини оширди.***

# Сиёсий партиялар

**ЎРТАСИДАГИ СОҒЛОМ РАҚОБАТ, БАҲС-МУНОЗАРА, ҒОЯ ВА ДАСТУРЛАР КУРАШИ МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА**

2-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

# Ёрқин келажак асоси ва тимсоли

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Бош қомусимизда инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинликлари устувор мақсад эканлиги, унинг давлат манфаатларидан устунлиги мустаҳкамлаб қўйилган. 13-моддага мувофиқ мамлакатимизда демократия умуминсоний принципларга асосланади, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Мустақиллик даврининг энг муҳим хусусиятларидан яна бири — бу инсон омилининг юқори даражага кўтарилиши, сиёсий маданиятнинг юксалишидир. Инсон омили билан боғлиқ бўлган унинг ҳуқуқлари, манфаатлари, эркинликлари Конституциямизда қонун устуворлиги, қонунларнинг барча фуқаролар учун тенглиги принципи билан мустаҳкамлаб қўйилган. Шу билан бирга, фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликларидан тўлақонли фойдалана олиши, энг аввало, унинг ўзига, ҳуқуқий онги ва маданиятига боғлиқ эканлигини ҳам эсдан чиқармаслигимиз зарур.

Мамлакатимизда Конституциямизда белгилаб берилган тамойиллар асосида олиб борилаётган ислоҳотлар инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш орқали демократик жамият қуришга қаратилган. Асосий Қонуннинг 14-моддасида давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади, дейилган. Жамиятга онгли, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини тушунадиган, шунинг билан бирга давлат ва жамият олдидаги ўз бурчини ҳам ҳис эта оладиган, ҳар жабҳада фаол инсонларни вояга етказиш давлат — жамият — шахс узвийлигининг бош мезонидир. Бунда инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари билан бир қаторда сиёсий ҳуқуқлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Халқ ҳокимиятчилиги", деб номланган иккинчи бобининг 12-моддасида: "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас", деб белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг яхлит норматив-ҳуқуқий меъёрлари яратилиб, босқичма-босқич ривожлантирилиб борилаётганлиги, ўз навбатида "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг амалдаги ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бош Қомусимизнинг "Сиёсий ҳуқуқлар", деб номланган саккизинчи бобининг 32-моддасида фуқароларимизнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканликлари, 34-моддасида касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари қаторида сиёсий партияларга уюшишлари ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда: "Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир", деб таъкидланади.

Ривожланган демократик мамлакатларда бўлгани каби бизда ҳам сиёсий партияларга сайловлар жараёни, марказ ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда аҳолининг фикри ва иродасини ифодалайдиган, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширадиган муҳим восита сифатида қаралмоқда.

Бош Қомусимизнинг Жамоат бирлашмалари деб номланган XIII бобининг 60-моддасида сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалаши ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этиши белгилаб қўйилган. Ана шундай ҳаётбахш ҳуқуқий мезонлар асосида сиёсий партиялар ўз дастурлари ва сайловолди платформасидан келиб чиққан ҳолда мамлакат сиёсий фаолиятида фаол иштирок этиб келмоқдалар. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси партиялараро рақобат жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунга ЎзМТДП ташаббуси билан республика миқёсида ўтказиб келинаётган кўп босқичли "Мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар — ёшлар нигоҳида" ёки "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" каби кўрик-танловлар яққол мисол бўла олади.

ЎзМТДПнинг бош принципи — бу анъаналар ва тараққиётнинг бирдамлик принципидир. Мазкур принцип Конституциямизнинг 4-моддасида белгиланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаш, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши ҳақидаги нормага ҳамоҳанг эканлигини таъкидлаш зарур. Зеро, халқ қадриятлари, анъаналари ва урф-одатларини асраш, ҳимоя қилишни тарғиб қилиш партиянинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Бунинг учун у ўзининг фаолиятида фуқароларимизнинг манфаатлари, эҳтиёжларини ўрганади, таҳлил этади ва умумлаштиради, янги қонунлар ва давлат ҳокимияти органларининг қарорлари лойиҳалари юзасидан таклифлар кўринишида ўз сайловчилари, демакки халқимиз манфаатларини амалга ошириш шаклларини излаб топади ва таклиф этади. Хусусан, Конституциямизнинг 83-моддасида белгиланган нормага мувофиқ партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ташаббуси тариқасида "Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"-ги қонун лойиҳасини тайёрлаб Қонунчилик палатасига тақдим этдилар. Қонун лойиҳаси Қомусимизнинг XXIII боб, 117-моддасида белгилаб берилган сайлов эркинлиги ҳуқуқларини таъминлаш ва уни янада ривожлантиришни назарда тутади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, жамиятимиз бугун янгиланиш, ўзгариш ва демократик тамойиллар тобора чуқур илдиз отиб бораётган даврни бошдан кечирмоқда. Бу жараёнда, шубҳасиз, Конституциямиз ва унинг нормаларига таяниш, фаолиятимизни унинг асосида ташкил этиш муваффақиятларимиз гарови бўлиб хизмат қилади.

**Урал ХАИТОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

# СИЁСАТ

## Сиёсий партиялар

### ЎРТАСИДАГИ СОҒЛОМ РАҚОБАТ, БАҲС-МУНОЗАРА, ҒОЯ ВА ДАСТУРЛАР КУРАШИ МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Таъкидлаш жоизки, парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда белгиланган вазифалар, ғоя ва мақсадлар мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини янги босқичга олиб чиқди. Концепцияга мувофиқ қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни сиёсий партияларнинг ваколат ва имкониятларини янада кенгайтириш билан бирга улар зиммасига масъулиятли вазифалар юклади. Юртимизда кечаётган ана шундай кенг қамровли демократик ўзгаришларда сиёсий партияларнинг депутатлик бирлашмалари алоҳида ўрин тутади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил ислоҳотлар сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобатни юзага келтирди. Бу бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги қўмиталар ва ялпи йиғилишларда, шунингдек, сиёсий партиялар фракцияларида тобора чуқурлашиб бораётган баҳс-мунозараларда яққол намоён бўлмоқда.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган «Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида сиёсий партиялар фракциялари ўртасида қизғин баҳс-мунозаралар юзага келди. Мазкур лойиҳа "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"нинг иқтисодиётни эркинлаштириш ва демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2011 йил 14 январдаги Ўзбекистон Президенти Фармойишига асосан ишлаб чиқилган.

Маълумки, Концепцияда молия-банк тизимини янада ривожлантириш, хусусий банклар, лизинг, суғурта компаниялари, микрокредит ташкилотлари каби хусусий мулкчиликка асосланган молиявий ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, уларда хусусий мулкка асосланган капитал иштирокини оширишни таъминлаш катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланган. Мазкур қонун лойиҳасида хусусий банклар ва молия институтлари билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиш, улар фаолияти кафолатларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби меъёрлар назарда тутилган. Шунингдек, хусусий банклар ва молия институтлари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган, мазкур институтларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларининг амалдаги механизмини кучайтириш масалалари ўз аксини топган.

Муҳокамалар чоғида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари Қонун лойиҳаси хусусий капиталга асосланган молиявий институтларнинг жорий этилиши нафақат маҳаллий сармоядорларнинг фаоллашуви, балки халқаро стандартларга мос бўлган бозор инфратузилмасининг такомиллашуви, молиявий хизматлар бозорида эркин рақобатнинг кучайиши, ушбу хизматларнинг арзонлашуви ва сифатининг ортишига олиб келишини алоҳида таъкидладилар. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга арзон, сифатли ва харидоргир истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга кенг имкониятлар яратади. Ушбу қонун лойиҳаси партиямизнинг мазкур соҳадаги дастурий вазифаси бўлган ички истеъмол бозорларимиз хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашишга хизмат қилади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал Демократик партияси фракцияси ёндашувига кўра, ушбу қонуннинг қабул қилиниши хусусий банклар ва бошқа молиявий институтлар тизимини янада ривожлантиради, улар сонини, ўсишига олиб келади ҳамда тадбиркорларга кредит ресурсларидан фойдаланишга кенг имкониятлар яратади. Хусусий банклар ва бошқа молиявий институтлар томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматлар тури янада кўпаяди, сифат ортади.

Хусусий банклар ва бошқа молиявий институтларнинг ривожланиши, ўз навбатида, банк-молия соҳасининг юксалишига олиб келади. Энг асосийси, банк ва молия соҳасидаги назоратни юмшатиш, ушбу институтлар фаолияти истиқболларини белгилаш, ўз молия ҳамда кредит сиёсатини аниқлашда кенг имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари хусусий банклар ва бошқа молиявий институтларнинг ушбу қонун асосида ривожланиши барча ижтимоий қатлам, жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга нисбатан банк ва бошқа молиявий институтлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар турини янада кенгайишига олиб келади, деган нуқтаи назарни билдирдилар. Шунингдек, ҳозир дунёда кечаётган глобал молиявий инқироз шароитида банк-молия соҳасидаги назоратни давлат томонидан кучайтириш ҳамда аҳоли омонатлари кафолатларини таъминлаш механизмини такомиллаштириш, хусусий банкларда сақланаётган юридик ва жисмоний шахслар маблағларини самарали ишлатилиши юзасидан мониторинг усулларини такомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратдилар. Бундай қарашлар, албатта баҳсталаб. Боиси, бошқа сиёсий партиялар фракциялари эътироф этишганидек, фақат аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини деб банк-молия соҳасида давлат назоратини кучайтириш бир ёқламаликдан бошқа нарса эмас.

ЎзМТДП фракцияси аъзолари ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши, аввало, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида кўзда тутилган маҳаллий сармоядорлар учун инвестиция муҳитини янада яхшиланишига олиб келади. Маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар, кўп сонли ҳунармандлар ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга молиявий хизматлардан фойдаланишда қатор ҳуқуқий ва иқтисодий имконият, шарт-шароитлар яратади, деган нуқтаи назарни қўллаб-қувватладилар. Зеро, бу ЎзМТДП сайловолди Платформаси ва дастурий мақсад-вазифаларига ҳамоҳангдир.

**Сарвар ОТАМУРОДОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

**ЎҚУВ-СЕМИНАР**



# Депутатлик гуруҳлари

### ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

***Юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиш, қабул қилинаётган қонунлар ва Давлат дастурлари моҳиятини сайловчиларга тўлақонли етказиш орқали уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлардан ташаббускорлик ва фаолликни талаб этади. Шу боис ЎзМТДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан жойларда партия қуйи бўғинлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш, партия мафкураси ва ғоясини тарғиб этишнинг янгича усул ва ёндашувларини жорий этишга қаратилган ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.***

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда Навоий вилоят Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган ўқув-семинар ҳам ана шундай мақсадга қаратилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони, партия вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бу каби ўқувлар депутатлар ва партия кадрлари сиёсий билимини юксалтириш, ҳуқуқий маданияти ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнига дахлдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлашди.

Семинар ишида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бўлим бошлиғи Аловиддин Умаров, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Навоий вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Холмамат Рауповнинг мавзу юзасидан маърузалари тингланди. Маърузачилар депутатлик гуруҳларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишдаги иштирокига алоҳида эътибор қаратишди. Таъкидланганидек, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари қанчалик ташаббускор ва ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этса, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёни ҳам шунчалик тезлашади.

Семинарда ЎзМТДПдан сайланган барча даражадаги депутатларнинг маҳаллий кенгашлар сессиялари муҳокамасига партия ғояларига ҳамоҳанг ва электорат манфаатларига қаратилган масалаларни олиб чиқиши, депутатлик назорати ва сўровларини ўтказишда фаол бўлиши, сайловчиларнинг ишончини қозониш учун ўз ваколати доирасида қатъий ҳаракат қилишлари зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, ўқув давомида партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг ҳудудда туризм инфратузилмасини такомиллаштириш, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш йўналишидаги фаолияти танқидий таҳлил қилинди.

Семинар ишида ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан партия электорати манфаатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор ижтимоий лойиҳалар ҳақида ҳам сўз юритилди. Жумладан "Банк кредитлари-ҳунармандга" лойиҳаси асосида соҳа ходимларини қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий ишлар эътироф этилди.

Тадбирда жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари ишини янада жонлантириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашда қуйи бўғинлар фаоллигини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Қизғин савол-жавоб, баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган ўқув-семинар якунида депутатлар фаолиятини жонлантиришда амалга оширилиши лозим бўлган аниқ ва мақсадли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**ТАРҒИБОТ**

# Жамиятнинг мустаҳкам таянчи

### БЎЛГАН ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЎзМТДПНИНГ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИДА

***Халқимизда оила муқаддаслиги, унинг мустаҳкамлиги, тинч ва фаровонлиги муҳим ҳисобланади. Зеро, ҳар бир жамиятнинг асоси оилалар бирдамлигига қурилади. Шу боис оила ва унинг фаровонлигини таъминлаш халқимиз ва давлатимизнинг доимий эътиборида.***

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўзининг сайловолди Платформасида белгиланган вазифалари доирасида оила масаласига алоҳида тўхталиб ўтган. Унда кўзда тутилган мақсад-вазифалар ижроси юзасидан жойларда бу борада кўплаб тадбирлар ташкил қилиниб, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаяпти. Шундай тадбирлардан бири ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Шуманой туман Кенгаши томонидан ўтказилган "Мустаҳкам оила — жамиятимизнинг ҳал қилувчи кучи" мавзуидаги давра суҳбатидир.

Ҳудуддаги "Деҳқонобод" қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этилган тадбирда партия туман Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" ҳамда бошланғич партия ташкилоти етакчилари, туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари ва ёшлар иштирок этди.

— "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида кўзда тутилган жамиятнинг асосий бўғини бўлган оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларнинг қонуний ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, жисмонан соғлом ва маънан етук, баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам оилаларни шакллантириш каби мақсадлар ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларга ҳамоҳангдир, - деди Халқ депутатлари туман кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, туман тиббиёт бирлашмаси шифокори А.Қалбаев. — Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг репродуктив саломатлигини, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган самарали ишлар тизимида ЎзМТДПнинг ҳам ўз позициясига эга эканлиги зиммамизга катта масъулият юклайди. Ёш оилаларни юксак маънавиятли, ахлоқли, миллий қадрият ва анъаналаримизнинг давомчилари сифатида тарбиялашга кўмаклашиш олдимизда турган долзарб вазифалардир.

Тадбирда сўз олганлар туманда соғлом оилани шакллантириш, оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ёшларни оила қуришга тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишларда ЎзМТДП Шуманой туман Кенгаши ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳининг иштирокини янада кучайтириш лозимлигини таъкидлашди.

Давра суҳбатида туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари иштирокчи ёшларнинг оила қуриш одоби, оиланинг мустаҳкамлигини таъминлаш борасидаги саволларига жавоб қайтаришди.

**Акбар ЖИЯНОВ,**
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши Жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш бўлими бош мутахассиси**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони", "Миллий тикланиш ғоясининг энг яхши тарғиботчиси" кўрик-танловлари шулар жумласидандир. Бу каби лойиҳалар партия ғояси ва мафкурасини кенг жамоатчиликка етказиш билан бир қаторда, ЎзМТДП аъзолари орасидан иқтидорли ва ташаббускор ёшларни кашф этиб, кадрлар захирасини бойитишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур кўрик-танлов ҳам партия ташкилотлари фаолиятини намунали йўлга қўйиш, мақсадли ташаббус ва изланишларни қўллаб-қувватлаш ҳамда маънавий-маърифий ва мафкуравий йўналишдаги фаолиятини янги босқичга кўтариш, чекка ҳудудларда партиямиз ғояларининг муносиб тарғиботчиларини топишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Кўрик-танлов якуний натижасига кўра, халқ депутатлари Бўка туман Кенгаши депутати Усмон Жўраев 1-ўринга муносиб топилиб, республика босқичида қатнашиш йўлланмасини қўлга киритди.

"Миллий тикланиш ғоясининг энг яхши тарғиботчиси" кўрик-танловининг Жиззах вилоят босқичи ҳам юқори савияда ташкил этилди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 10 нафардан зиёд партия фаоллари ўзаро беллашдилар. Тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Сенати аъзолари, партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони ходимлари, ЎзМТДП Жиззах вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаоллари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Президент асарлари ҳамда ЎзМТДП дастурий вазифалари ва ғоясини кенг тарғиб қилиш, ҳудудий партия ташкилотларида тарғиботчи-нотиқлар гуруҳини шакллантириш, партия ходимларининг сиёсий, маънавий, ижтимоий жараёнлардаги фаоллигини ошириш мақсадида ўтказилиб келинаётган кўрик-танловда иштирокчилар, анъанага биноан, 3 та шарт бўйича беллашдилар. Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг ЎзМТДП Зарбдор туман Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли Умрхол Пўлатова "Миллий тикланиш ғоясининг энг яхши тарғиботчиси" кўрик-танловининг Жиззах вилоят босқичи ғолиби деб топилди.

— Партиямиз томонидан ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов ЎзМТДП дастурий мақсадлари ҳамда мафкурасини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш билан бирга, партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилмоқда, - деди ЎзМТДП Жиззах шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Б.Мамажонов. — Жойларда миллий тикланиш ғоясини тарғиб этишда жонбозлик кўрсатаётган партия фаоллари орасидан ғолибларни аниқлаш осон бўлмади. Бу мазкур танловга бўлган қизиқишнинг юқори эканлигидан дарак беради. Ишонамизки, вилоятимиз вакиласи танловнинг республика босқичида ҳам ўзининг сиёсий зийраклиги ҳамда билимдонлигини намоён этади.

Пойтахтимизда ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ушбу кўрик-танловнинг шаҳар босқичи ўтказилди. Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия қўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ва партия фаоллари иштирок этди.

Танлов низомига кўра, биринчи шартда иштирокчиларнинг интеллектуал салоҳияти тест синовидан ўтказилди. Иккинчи шартда эса қатнашчиларнинг юртимизда кечаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва партия фаолиятини ёритувчи мақолалари таҳлил қилиниб, унда ЎзМТДП мақсад ва вазифалари тарғиботи қай даражада акс этганлигига эътибор қаратилди. Якуний шартда эса иштирокчиларга юртимизда кечаётган демократик жараёнлар ва партия фаолияти юзасидан саволлар тақдим этилиб, уларнинг билим даражалари синовдан ўтказилди.

— Истиқлол йилларида юртимизда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, миллий истиқлол ғоясига содиқ қилиб тарбиялаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, - деди танлов ғолиби, партия Шайхонтоҳур туман Кенгаши вакиласи Д.Эшонова. — ЎзМТДПнинг асосий мақсадларидан бири ҳам сиёсий фаол, интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялашга кўмаклашишдан иборат. Мазкур кўрик-танлов ана шундай ёшларни кашф этаётгани билан аҳамиятлидир. Шунингдек, танлов барча иштирокчилар учун ўзига хос синов мактабини ўтади, десак муболаға бўлмайди. Зеро, ҳар бир иштирокчи беллашув орқали ўзининг партия фаолияти юзасидан билим ва кўникмалари, ижодий изланишларини намойиш этиш билан бир қаторда, ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлди.

ЎзМТДПнинг фаолият йўналишлари бўйича юқори натижаларга эришган, унинг ғоя ва мақсадларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилишда фаоллик кўрсатаётган ва партия ҳаётини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борувчи аъзоларни аниқлаш ва рағбатлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган "Миллий тикланиш ғоясининг энг яхши тарғиботчиси" кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқичи якунланди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Танловда ўз мақолалари билан оммавий ахборот воситаларида мунтазам иштирок этадиган, илмий-оммабоп ва шеърий тўпламлари нашр этилган ҳамда танлов мавзуси доирасида республикада ўтказилган илмий анжуман ва конференцияларда иштирок этиб, илмий мақолалари матбуот саҳифаларида чоп этилган иштирокчилар алоҳида эътироф этилди. Хусусан, иштирокчиларнинг халқимиз тарихи, урф-одат ва анъаналари ҳамда ҳуқуқий демократик давлат қуриш борасидаги долзарб вазифалар, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва ёшларда миллий анъана ҳамда қадриятларимизга ҳурмат туйғусини шакллантириш, аждодлардан қолган бетакрор миллий ва маънавий меросни асраб-авайлаш борасида мулоҳаза юритилган илмий ва оммабоп мақолалари ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди.

Якунда биринчи, иккинчи ва учинчи ўринга лойиқ топилган иштирокчилар ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Тадбир доирасида "Миллий тикланиш" газетаси кунлари" ҳам ташкил этилди.

Бу каби тадбирлар ЎзМТДПнинг барча ҳудудий ташкилотларида юқори савияда ўтказилмоқда.

**ПАРТИЯ ЛОЙИҲАСИ**





## Миллий тикланиш ғояси

### ЭНГ ЯХШИ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ ТАНЛОВНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

**Шоҳида ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

**ХРОНИКА**

## ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифалари

### ЖОЙЛАРДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАРДА ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА

**САМАРҚАНД**

Юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидор ва истеъдодларини рўёбга чиқариш ҳамда баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилди. Бу борада ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсади билан ҳамоҳангдир. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда ЎзМТДП Нуробод туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши билан ҳамкорликда "Мустаҳкам оилада камол топаётган мустақил юртнинг иқтидорли фарзандлари" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари Нуробод туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Ёшлар қаноти" фаоллари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Нуробод туман Кенгаши ва партия аъзолари иштирок этдилар. Шунингдек, тумандаги мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчилари ва ёш ижодкорлар ҳам фаол қатнашдилар.

Тадбирда ЎзМТДП сайловолди Платформаси ва дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларни улғайиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда миллий тарих ва анъаналарга нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотиш, юксак маънавиятли ва ахлоқли, комил инсонни тарбиялашга ҳар томонлама кўмаклашиш каби мақсадлар илгари сурилди.

—Ёшларнинг замонавий билимларни эгаллашга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ёш истеъдод эгаларини излаб топиш, фидойи ёшлар сафини кенгайтириш ва уларга ўз маҳоратларини намойиш этишлари учун шарт-шароитлар яратиб беришга кўмаклашиш партиямиз мақсад ва ғояларидандир, - деди ЎзМТДП Нуробод туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси У.Тилавов.

Тадбирда истеъдодли ёшлар мумтоз ва миллий чолғулар, рақс, шеърият, адабиёт ва театр сценарийси йўналишлари бўйича ўзаро беллашдилар. Миллий чолғуларимиздан ҳисобланган дуторда ўз санъатини намойиш этган партия туман Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли Мохичеҳра Соатова ёшларга яратилаётган имкониятлардан мамнунлигини ва бу борада ЎзМТДПнинг ҳам ўз ўрни борлигини таъкидлади. Ёшларнинг турли чиқишлари, бадиий ижод намуналари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир сўнгида ўз ижод намуналари билан томошабинлар эътирофига сазовор бўлган "Ёшлар қаноти" фаоллари ЎзМТДП Нуробод туман Кенгаши томонидан эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

**БУХОРО**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Шофиркон туман Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан ташкил этилган "Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни: ҳуқуқий кафолатлар ва уларнинг амалиётда қўлланилиши ЎзМТДП эътиборида" мавзусидаги тадбир аёлларнинг мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда фидойи, юксак салоҳиятли, янгиликларга интилувчан хотин-қизларга янада қулай шароитлар яратиш, никоҳ ва оилани мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби масалаларга бағишланди. Унда ЎзМТДП Шофиркон туман Кенгаши фаоллари, "Аёллар қаноти" етакчилари, туман ҳокимлиги мутасаддилари, туман ФҲДЁ бўлими ходимлари, ҳудуддаги МФЙ, ҚФЙ маслаҳатчилари ҳамда партия фаоллари иштирок этдилар.

Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, ЎзМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари Н.Бердиева хотин-қизларнинг Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқлари, уларга берилаётган имтиёзлар, айниқса, "Мустаҳкам оила йили" давлат Дастурида хотин-қизларга яратилаётган қулайликлар янги босқичга кўтарилганини эътироф этди.

Партия туман Кенгаши "Аёллар қаноти" етакчиси М.Тўйева ўз маърузасида оила, аёл маънавияти, уларнинг мамлакатимизда тутган ўрни ҳақида тўхталиб ўтди. Бундан ташқари, ЎзМТДП ўз позициясидан келиб чиқиб, шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни беқиёс эканлиги, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида "Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари" ғояси асосида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Туман ФҲДЁ бўлими бошлиғи Ф.Қўшаева қизларни эрта турмушга бериш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари, шунингдек, янги оила қураётган ёшларнинг, албатта, тиббий кўрикдан ўтишларини, бунинг учун ота-оналар ва ёш қизлар билан кўпроқ давра суҳбатлари ташкил этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ**

ЎзМТДП Шайхонтоҳур туман Кенгаши "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан "Миллий қадриятлар — миллий манфаатлар асоси" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда партия Шайхонтоҳур туман Кенгаши ходимлари, фаоллари ва бокс бўйича жаҳон чемпиони Артур Григорян ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирдан кўзланган мақсад ЎзМТДП позициясига ҳамоҳанг тарздаги миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, уларни ёш авлодга етказиш, шунингдек, ёшларни миллий ғояга содиқлик руҳида, ватанпарвар, она юртга муҳаббатли ва садоқатли қилиб тарбиялаш каби вазифаларни амалга оширишдан иборат.

Давра суҳбатида партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Дилшод Исомиддинов сўзга чиқиб, ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланиб келаётган юксак қадрият ва анъаналарининг ўрни беқиёслиги ва бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз позициясига эга эканлигини таъкидлади. Шунингдек, партия фаоли Ғ.Нурмуҳаммедов ва Ўзбекистон ифтихори Артур Григорян нутқ сўзлаб, аждодларимизга муносиб ворис бўлиш, улардан қолган улкан маънавий меросни ўрганиш ва халқпарварлик ҳам улуғ қадрият эканлигини эътироф этишди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

**БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ**

## Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар

### УЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА КЎМАКЛАШИШ ҚУЙИ БЎҒИН ФАОЛИЯТИДА АКС ЭТМОҚДА

***Бугун дунёда кечаётган иқтисодий инқироз шароитида ички бозорларимизни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли даромадларини кўпайтириш долзарб вазифалардан саналади. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик, миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда.***

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида миллий бозорни ҳар томонлама ривожлантириш — асосий устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада партия ташкилотлари миллий ҳунармандчиликнинг барча турларини ривожлантириш ва рағбатлантириш, қадриятларимиз давомчиларининг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ҳамда уларга ҳуқуқий кўмак беришга интилмоқда. Хусусан, ЎзМТДП дастурий вазифаларини амалга ошириш, партия электорати бўлмиш ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатимизда миллий ҳунармандчиликни ва "устоз-шогирд" анъанасини ривожлантириш, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларга қўшимча шарт-шароит ва имкониятлар яратиб бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва республика "Ҳунарманд" уюшмаси билан ҳамкорликда жойларда "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" мавзусида амалий семинарлар ўтказилди. Жумладан, партиянинг Хоразм, Андижон, Самарқанд ва Наманган вилоят Кенгашларида ўтказилган тадбирларга 1 500 нафарга яқин иштирокчилар жалб этилди. Юзга яқин ҳунарманд ва тадбиркорга 2 млрд. 669 млн. сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар учун сертификатлар берилди. Бу каби амалий семинарлар чекка қишлоқ ва маҳаллаларда оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчилик ривожланишига ёрдам бермоқда.

Албатта, соҳа ривожига қаратилган ишларни янада жонлантиришда партиянинг қуйи ташкилотлари асосий куч саналади. Бу борада ЎзМТДП Қоракўл туман Кенгаши қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

— ЎзМТДП сайловолди Ҳаракат дастурида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, шунингдек, тадбиркорликнинг анъанавий маданиятини ривожлантиришга кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган, - дейди ЎзМТДП Қоракўл туман Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Латоб Сувонова. — Бундай эзгу мақсадларни амалга ошириш барча партия аъзоларидан ўз бурч ва вазифаларига оқилона ёндашиш ва юксак масъулиятни талаб этади. Бу борада, айниқса, бошланғич партия ташкилотлари муҳим аҳамият касб этади. "Дўстлик" МФЙ қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти ҳам мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларга муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда. Хусусан, бошланғич партия ташкилоти ташаббуси ва туман ҳокимлиги кўмаги билан қуйи бўғин қошида "Қоракўл Малика дизайн" хусусий корхонаси ташкил этилди. Ушбу корхонанинг талаб даражасида фаолият юритиши учун "Халқ банки"нинг туман бўлими томонидан ажратилган 30 млн. сўмлик кредитга янги тикув жиҳозлари харид қилинди. Ҳозир корхонада 20 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди. Корхона ходимларининг кўпчилиги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси. Улар партиянинг дастур ва мақсадларини қўллаб-қувватлаган ҳолда миллий иқтисодиётимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшиш билан бир қаторда, партиямиз ғояси ва дастурий мақсадларини жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиб келмоқда.

— Корхонада халқ ҳунармандчилигининг бетакрор қадрияти ҳисобланган "устоз-шогирд" анъанаси асосида иш юритиш йўлга қўйилган, - дейди ЎзМТДП аъзоси Шабнам Ҳусайнова. — Бугунги кунда устоз ҳунармандлар ўндан ортиқ ёшларга бичиш-тикиш сир-асрорларини ўргатишмоқда. Бу миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, эртамиз эгаларига ўргатиш, ёшларни доимий иш билан таъминлаш ҳамда улар қалбида миллий анъаналарга содиқлик ва миллий ғурур туйғусини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Яқинда "Савдогарбанк"нинг Қоракўл туман филиали томонидан ажратилган 4 млн.сўм кредит эвазига ушбу корхона қошида "Камола" гўзаллик салони ҳам фаолият бошлади. Қувонарли томони шундаки, Қоракўл туман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг тикувчилик ва сартарошлик йўналиши бўйича таҳсил олаётган ёшлар учун амалиёт ўташ имконияти пайдо бўлди.

— Ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш ҳамда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий билимларини янада ошириш мақсадида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ туман бўлими кенгаши ва бошқа қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда кўплаб тадбир, давра суҳбати ва учрашувлар ўтказаяпмиз, - дейди БПТ етакчиси, "Қоракўл Малика дизайн" корхонаси раҳбари Соҳиба Ғайбуллаева. — "Миллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш — миллий иқтисодиётни шакллантиришнинг бош омили", "Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва экспорт салоҳиятини ошириш масалалари - ЎзМТДП эътиборида", "Тадбиркор — юртга мададкор" каби тадбирлар шулар жумласидандир. Уларда партиянинг туман Кенгаши аъзолари, партия фаоллари ва халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар иштирок этишмоқда. Тадбирлар кун тартибидан жой олган маърузалар ёш тадбиркорларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш билан бир қаторда бизнесларини тўлиқ йўлга қўйиб олишларига ҳам кўмак бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, кичик ва оилавий бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиб келаётган мазкур бошланғич партия ташкилоти ЎзМТДП сайловолди Платформасида иқтисодий соҳада белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Шоҳида МИРЗАЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ПАРЛАМЕНТДА

## Давлат бюджети лойиҳаси

### ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚЎМИТАЛАРИДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси 2013 йилги Давлат бюджети лойиҳаси, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари кўриб чиқилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар ҳамда банкларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Йиғилишда 2013 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш, жамият ижтимоий ҳаётини мувозанатли ривожлантириш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш каби устувор йўналишларни ҳамда Президент томонидан жорий йил 19 январдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берилган муҳим вазифаларни изчил амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.

Эътироф этилганидек, келгуси йилги солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўлган ялпи ички маҳсулотнинг 8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8.4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажми 9.3 фоизга ўсиши кўзда тутилаётганлиги ҳамда мазкур кўрсаткичларнинг жорий йилда юқори суръатларда ўсиши кутилаётганлиги 2013 йилги Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқишга асос бўлди.

2013 йил учун солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида Давлат бюджети даромадлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 21,3 фоизни, харажатлари 22,3 фоизни ва тақчиллиги 1 фоизни ташкил этиши кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда таъкидланганидек, бюджет ва солиқ сиёсатида иқтисодиётни модернизация қилишни рағбатлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини пасайтириш, инвестиция муҳитини яхшилаш асосида макроиқтисодий ўсишни таъминлашга ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар назарда тутилган. Жумладан, 2013 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида фойда солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи, кичик корхоналар, микрофирмалар даромадига солинадиган ягона солиқ тўлови, қўшилган қиймат солиғи ва бошқа бир қатор солиқ ҳамда мажбурий тўловларнинг амалдаги ставкаларини сақлаб қолиш таклиф қилинмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг минимал ставкаси бўйича солиқ солиш шкаласининг энг кам ставкасини бир фоизга камайтириш назарда тутилмоқда. Бу эса барча тоифадаги солиқ тўловчилар, айниқса, кам даромад оладиганларга солиқ юкини камайтириш имконини беради ва жисмоний шахслар ихтиёрида қўшимча равишда 186 млрд.сўм атрофида маблағ қолишини таъминлайди.

Билвосита солиқлар ва ресурс тўловларини унификациялаш ҳисобига уларнинг Давлат бюджети даромадларидаги улушини 2012 йилдаги 65.5 фоиздан 2013 йилда 66.8 фоизгача кўпайтириш йўли билан даромадларни қўшимча тўлдириш кўзланмоқда. 2013 йил учун белгиланган солиқ сиёсати концепциясида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида иқтисодиётга солиқ юки ўтган йилга нисбатан 0,3 фоизга камаяди.

Давлат бюджети лойиҳасида иқтисодиётга харажатлар учун 2013 йилда 2777.3 млрд. сўм ёки ЯИМга нисбатан 2.4 фоиз ажратиш кўзда тутилмоқда. Давлат бюджетидан молиялаштириладиган марказлашган инвестициялар ҳажми 1300.0 млрд. сўмни ёки ЯИМга нисбатан 1.1 фоизни ташкил этади ва қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш ва барпо этилаётган янги яшаш масканларида ижтимоий инфратузилма объектларини қуришга йўналтирилади.

Муҳокамаларда депутатлар 2013 йилги солиқ-бюджет сиёсати концепциясида ва Давлат бюджети лойиҳасида жаҳон иқтисодиётида давом этаётган мураккаб жараёнлар ҳамда салбий тенденциялар шароитида мамлакатни барқарор иқтисодий ўстиришнинг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилиши кўзда тутилаётганлигини алоҳида эътироф этдилар.

Шу билан бирга йиғилишда маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш ҳамда ҳудудларда ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашда маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллиги ва манфаатдорлигини оширишга йўналтирилган бюджетлараро муносабатлар тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш кўзда тутилаётганлиги ҳам алоҳида эътироф этилди.

— Давлат бюджет лойиҳасида ялпи ички маҳсулотни янада кўпайтириш вазифаси қўйилган экан, бу партиямизнинг сайловолди Платформасида белгиланган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янада қўллаб-қувватлаш, хориждан келтирилаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мамлакатимизда яратилаётган мақбул инвестиция муҳитининг ҳуқуқий асосларини кучайтириш ва мамлакат инвесторларининг манфаатларини ҳимоя қилиш сингари вазифаларга мос эканлиги ва бу партиямиз электорати манфаатларига мос келишини алоҳида таъкидлаб, давлат бюджети лойиҳасини қўллаб-қувватладик, - деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси аъзоси С.Отамуродов.

Йиғилишда депутатлар ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли вазирлик ва идора раҳбарларидан жавоблар олдилар. Тадбир якунида муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси 2013 йилги Давлат бюджети лойиҳаси, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Депутатлар томонидан 2013 йилги бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ва Давлат бюджети лойиҳаси, аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, турмуш даражасини яхшилаш, таълим соҳаси муассасаларининг жиҳозланганлиги ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, кучли инвестицион сиёсатни амалга оширишга қаратилганлиги таъкидланди.

Таълим муассасаларини сақлаш харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 7,5 фоизни ташкил қилмоқда. Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва кучайтириш мақсадида 2013 йилнинг бюджет параметрларида олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси харажатлари 175,0 млрд. сўм миқдорида кўзда тутилган ёки жорий йилга нисбатан 2,5 баробарга ошган.

Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бюджетдан ташқари жамғарма ҳисобидан 313 та умумтаълим мактаби ва 228 та академик лицей, касб-ҳунар коллежларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш белгиланган. Шунингдек, 1500 та умумтаълим муассасаси ва 700 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари замонавий ўқув қуроллари, компьютер техникаси ва ўқув лабораториялари билан жиҳозланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланган Давлат дастурига мувофиқ, 33 та мусиқа ва санъат мактабини қуриш ва 22 тасини капитал реконструкция қилиш ҳамда уларни мусиқа асбоблари, инвентар ва техник воситалар билан жиҳозлаш, 137 та спорт зали, 25 та болалар спорти объектини қуриш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилади.

Давлат мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар тўлов миқдорларини йил бошидаги энг кам иш ҳақини белгилаш ва ҳар йили нархларнинг ўсишини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиб, уларнинг ҳудудий жойлашуви, болаларнинг муассасада бўлиш вақти, бир оиладан муассасага қатнайдиган болалар сонидан келиб чиққан ҳолда энг кам иш ҳақига нисбатан 64 фоиздан 130 фоизгача табақалаштирилган миқдорда белгиланиши, ота-оналар тўловлари бюджетда назарда тутилган маблағлар билан бирга мақсадли равишда тарбияланувчиларнинг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш учун йўналтирилиши назарда тутилмоқда.

Маданият ва спорт соҳаси харажатларини 2013 йилда жорий йилга нисбатан 1,2 бараварга ошириш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга келгуси йилги давлат бюджети лойиҳасида 2 та янги "Dunyo bo'ylab" ва "Madaniyat va ma'rifat" давлат телеканалларини ташкил этиш ва сақлаш харажатлари инобатга олинган.

Илм-фан соҳасига йўналтириладиган харажатлар 2013 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз ҳажмда, жорий йилга нисбатан 1,3 бараварга ошириб белгилаш таклиф қилинмоқда. Бу, ўз навбатида, давлат илмий техникавий дастурлари доирасида илмий-техника ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш ва фанни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни давом эттириш имконини беради.

— Партиямиз сайловолди Платформасида фаннинг ривожланиши мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда, партия фан соҳасини ривожлантириш, истеъдодли ва ижодкор одамларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қўувватлашнинг ҳуқуқий ва амалий механизмларини такомиллаштириш, интеллектуал мулкни ва унга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш, маданият, санъат, театр ва музейларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сингари вазифалар белгиланган, - деди йиғилишда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Маматов. — Шунингдек, партия халқ таълимини ривожлантириш соҳасида кадрлар тайёрлаш устувор принцип эканлигига амал қилиб, юксак маънавиятли ва комил инсонларни тарбиялашга ҳар томонлама кўмаклашишни мақсад қилган. Давлат бюджети лойиҳасида партиямизнинг ана шундай мақсадларни амалга оширишни кўзда тутувчи харажатлар янада оширилганлиги партия электорати манфаатларига мос келади ва шу боис, фракциямиз аъзолари давлат бюджети лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Депутатлар бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишини, улардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Камолиддин САИДҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

СЕМИНАР

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ва Миллий кутубхона ҳамкорлигида "Ахборот кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалиётга жорий этишнинг ҳолати ва долзарб вазифалар" мавзуида семинар ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, ахборот-кутубхона муассасаларининг мутахассислари ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.***

## Ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш

### УНДА МИЛЛИЙ АХБОРОТ МАКОНИНИ ЯРАТИШ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Семинарда сўзга чиққан депутатлар, вазирлик ва идораларнинг масъул вакиллари ўз маърузаларида "Ахборот кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириб, унинг ижросини таъминлаш борасидаги устувор вазифалар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтдилар. Жумладан, ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида давлат дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳолати ҳамда истиқболдаги режалари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш, электрон кутубхона ва электрон каталогни шакллантириш ва масофадан туриб ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар шунингдек, ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган принципиал янги ахборот-ресурс марказлари ташкил этиш ишлари тўғрисида кенг кўламли маълумотлар берилди.

Таъкидланганидек, "Ахборот кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бошқа мамлакатларнинг ушбу тизимида айнан учрамайдиган ҳужжат ҳисобланади. Қонунда кўзда тутилган вазифаларнинг туб моҳияти мамлакатдаги кутубхоналарни энг ривожланган давлатлардаги ахборот-кутубхоналарга тенглаштириш, замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва ҳудудлардаги ахборот-кутубхоналарда интернет тизимини тўла йўлга қўйишдан иборат. Амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида республикада ахборот-кутубхона муассасаларининг сони 12 мингдан ортди. Шундан 14 таси ахборот-кутубхона маркази, 2863 таси ахборот-ресурс маркази, 9000 дан ортиғи эса давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари кутубхоналаридир.

Соҳага замонавий мультимедиа технологиялари жорий этиш орқали ахборот-кутубхона муассасаларида тўлиқ матнли электрон ресурсларни ўз ичига олган электрон каталог орқали маълумотларни тезкор излаш имкониятини таъминловчи автоматлаштирилган тизим жорий этилди. Шунингдек, халқаро тажрибани ва кутубхона фойдаланувчиларининг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ахборот-кутубхона муассасаларида ихтисослаштирилган электрон кутубхона ва мультимедиа технологиялари заллари ташкил этилиб, интернет ва "ZiyoNET" тармоғидан фойдаланиш имконияти таъминланди. Президентимиз раҳнамолигида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги, муҳташам биноси бунёд этилиб, халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама қулай, замонавий ахборот-ресурс маркази сифатида самарали фаолият олиб боряпти.

Миллий кутубхона раҳбари А.Хўжаев сўзга чиқиб, замонавий қулайликларга эга бўлган янги кўринишдаги Миллий кутубхона фаолиятига ҳам қисқача тўхталиб ўтди:

— Бугунги кунда кутубхонамизга ташриф буюраётган фойдаланувчиларнинг сони 12 мингдан 24 мингга, яъни икки баробарга ошди. Кутубхона фондида 6,5 миллиондан ортиқ нашр мавжуд бўлиб, шундан 200 мингдан ортиғи ноёб нашрлар сирасига киради. Мамлакат миқёсида электрон каталог ташкил этиш ва ундан ҳамма бирдек фойдалана олишини йўлга қўйиш масаласи олдимизда турибди. Мақсадимиз миллий ахборот маконини яратиш, ҳар томонлама қулай ахборот-кутубхоналар фаолиятини йўлга қўйиш орқали ёшларни маънан етук ва баркамол авлод қилиб тарбиялашдан иборат.

Семинарда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари ахборот-кутубхона муассасаларининг фондларини шакллантириш, уларнинг сақланишини таъминлаш, шунингдек, етакчи хорижий ахборот-кутубхона фондларининг маълумотлар базасига уланишни ўз ичига олган ҳолда фойдаланувчиларга тақдим этиладиган электрон хизмат кўрсатиш шаклларини ва илғор дастурий маҳсулотларни тизимли тарзда жорий этиш, ахборот-ресурслари ва электрон нашрларнинг йиғма электрон каталогини ташкил этиш орқали кутубхона фаолиятини автоматлаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдиришди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳаракат дастурида кўзда тутилган ёш авлодни миллий, маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялаш, фан, таълим соҳасини ривожлантириш ва Ўзбекистон зиёлиларини қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизнинг фан ютуқларини асраб-авайлаш ва кўпайтириш, юксак маънавиятли, ахлоқли, комил инсонни тарбиялашга кўмаклашиш каби мақсадларни амалга оширишда "Ахборот кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва ушбу тизимга оид бошқа қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ЎзМТДП фракцияси депутатларига ҳам катта масъулият юклайди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига бу йил 20 йил тўлади. Мана шу ўтган йиллар мобайнида Бош Қомусимизнинг ҳар бир моддаси ва уларда белгилаб қўйилган нормалар бутун фаолиятимиз ҳамда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди.***

ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

## Инсон манфаати — олий қадрият

### МАВЗУСИДАГИ ТАДБИР СЕНАТОР ФАОЛИЯТИ БИЛАН УЙҒУНЛАШДИ



Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизда Конституция маёқ вазифасини ўтамоқда. Юртимизнинг турли гўшалари, ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тадбирлар ташкил қилиняпти. Ана шундай тадбир Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ҳам ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Светлана Ортиқова иштирокида "Инсон манфаати — олий қадрият" мавзусида ташкил этилган давра суҳбати Конституциямизнинг 20 йиллигига бағишланди. Унда институт профессор-ўқитувчилари, талабалари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирда институт жамоасини инсон манфаатларини ҳимоя қилиш борасида давлатимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг мазмуни билан таништириш, демократик ҳуқуқий давлатни барпо қилиш ва ривожлантиришда ёшларнинг ўрни беқиёслигини талабалар онгига сингдириш, мавжуд сиёсий институтларнинг ҳуқуқий ҳолати, давлат ҳокимияти тизимининг конституциявий-ҳуқуқий асослари моҳиятини тушунтириш каби мақсадлар илгари сурилди.

Светлана Ортиқова ўз маърузасида Конституция, сиёсий ҳуқуқ ва сиёсий жараёнларнинг бориши, давлат ҳокимиятининг тузилиши, Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг иш фаолияти ҳақида маълумот бериб, мамлакатимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятида инсон омили ва унинг манфаатлари турганини таъкидлади. Шунингдек, давлатимиз сайлов қонунчилигига алоҳида тўхталиб, сайлов жараёнларида ҳар бир фуқаро онгли равишда иштирок этиши ва бу бизнинг конституциявий ҳуқуқ-бурчимиз эканлигини айтиб ўтди.

Давра суҳбатида ана шундай мазмун-моҳият касб этган фикр-мулоҳазалар, ғоялар илгари сурилди. Талабалар томонидан суд-ҳуқуқ, сайлов тизими, Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари ҳақида ва бошқа шу каби масалалар юзасидан саволлар берилди.

**Светлана ОРТИҚОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси:**

—Халқимиз иродаси ва тафаккури билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзининг туб моҳияти билан осойишта, фаровон ҳаётимиз, улкан бунёдкорлик ишларимиз ҳамда мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда. Бош Қомусимиз ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибаларига таянган ҳолда республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлашга хизмат қилади. Энг асосийси, унда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциявий ҳуқуқ ва бурчларимизни билишимиз, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини оширишда тажрибаларимизни, Ватанга, бош Қомусимизга бўлган муҳаббат ҳақидаги қарашларимизни улар билан ўртоқлашишимиз лозим.

Бугунги учрашувда институт талабалари жуда фаол иштирок этишди. Давлатимиз қонунчилигини, Сенат ва сенатор фаолиятига оид билимларни яхши ўрганишган. Талабалар шунчаки томошабин эмас, балки бевосита мулоқотга киришадиган мустақил фикрли иштирокчи сифатида қатнашдилар.

**Ботир ЗОКИРОВ,**
**Тошкент темир йўл муҳандислари институти маънавий-тарбиявий ишлар бўйича проректор:**

— Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида асосий устувор йўналишларга айланган масалаларда ёшларнинг ўз мустақил фикр ва мулоҳазага эга бўлишлари жуда муҳим аҳамият касб этади. Ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлаш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, Конституциямиз моҳиятини ҳаётий тажрибалар ҳамоҳанглигида англашида ва уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда бугунгидек учрашувларнинг аҳамияти катта. Конституция ва қонунларимизнинг асосий моҳияти инсон омили ва унга муносиб ҳаёт шароитларини яратиш ҳамда бахтли қилишдан иборат. Ана шу муддаони ёшлар онгига сингдириш уларда сиёсий-ҳуқуқий билимларнинг тўла шаклланишига асос бўлади.

**Жаҳонгир САФОЕВ,**
**институт талабаси:**

— Институтимизда Бош Қомусимизнинг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган қатор тадбирлар доирасида бугунги "Инсон манфаати — олий қадрият" деб номланган давра суҳбати ўзгача руҳда ўтди. Бугун биз Конституциямизнинг бош мақсад ва ғояларини, етакчи нормаларини ҳаётий мисоллар орқали яна бир бор мушоҳада қилдик. Энг муҳими, мамлакатимизда ёшлар учун жуда катта имкониятлар яратилганлигини ўз ҳаётимизда сезиб турибмиз. Инсон қадри улуғланган юртда эса ўз мақсади йўлида интилган ҳар бир шахс муносиб ўрин топади.

**Муҳтарама РАМАЗОНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# Қайта тикланган миллий меросимиз

## КЕЙИНГИ АВЛОДЛАРГА МЕРОС БЎЛИБ ҚОЛАДИ

***Аждодларимиз томонидан асрлар давомида бунёд этилган улкан ва бебаҳо маънавий-маданий меросимизнинг қайта тикланиши ёш авлод тарбияси ва камолоти учун муҳим аҳамият касб этади. Юртимизнинг ҳақиқий тарихини тиклаш ва англаш, жаҳон маданияти дурдоналаридан баҳраманд бўлиш ёшларимизнинг руҳий эстетик олами ва дунёқарашини шакллантиришда асосий омиллардан бири ҳисобланади.***

Мустақиллик шарофати билан халқимиз эътиқод эркинлигига эга бўлди, миллий диний қадриятларимиз тикланди, қадимий байрамларимиз — Наврўз, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари кенг нишонлана бошланди. Қолаверса, янги давр баробарида янги байрамлар — энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик, Конституция, Ўқитувчи ва мураббийлар, Хотира ва қадрлаш кунларига эга бўлдик. Бугун ер юзида мустақил Ўзбекистон, деган давлат борлигини бутун жаҳон билади. Юртимиздан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар ва алломаларнинг меросини ўрганиш, ЮНЕСКО негизида илм-фан, маданият ва давлат арбоблари — Ал-Бухорий, Ал-Фарғоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бухоро, Хива, Марғилон, Термиз каби тарихий шаҳарларимиз юбилейи жаҳон миқёсида кенг нишонланди. Бунинг натижаси ўлароқ, меъморий ёдгорликлар қайта тикланди, халқ амалий санъати ривож топди. Маданий ҳаётнинг ажралмас қисми бўлган кино, театр, мусиқа каби санъат турларини тарғиб этиш мақсадида "Ўзбекнаво", "Ўзбекрақс", "Ўзбеккино", "Ўзбектеатр", "Ўзбекмузей" ҳамда "Олтин Гепард" халқаро кино форуми, 1997 йилдан буён ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ҳам маданият ва санъатга берилаётган ана шундай юксак эътиборнинг амалдаги ифодасидир. Мазкур фестиваль нафақат Шарқ, балки бутун дунё санъат намояндалари ва ихлосмандларини ўзига жалб қила олди.

Таниқли адабиёт ва санъат намояндалари, шунингдек, Ўзбекистон маданияти ва фани тарихига катта ҳисса қўшган олимлар муносиб тақдирланди, янги маданият объектлари қуриб фойдаланишга топширилди. Алишер Навоий номидаги янги боғ, Темурийлар тарихи музейи барпо этилди. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Ал-Фарғоний каби аждодларимизга ҳайкаллар ўрнатилди. Маърифат маркази ва симпозиумлар саройи, Халқаро анжуманлар саройи, Ўзбекистон Бадиий Академияси ҳамда янги марказ ва бирлашмаларнинг тузилиши миллий маданият ютуқларини тарғиб этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақилликнинг илк йиллариданоқ юртимизда маънавий-маърифий соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилиши натижасида маданиятга хизмат қилувчи ташкилотларнинг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланди. Хусусан, миллий давлатчиликнинг тараққиёт йўлларида бадиий аҳамиятга эга меъморий обидаларни қайта таъмирлаш ва сақланишига алоҳида эътибор берилди. Бу, биринчи навбатда, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари — Бухоро, Хива, Самарқанд, Шаҳрисабз, Термиз, Қарши, Тошкентга, шунингдек, Имом Ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ал-Фарғоний каби буюк зотларнинг мақбара ва муқаддас қадамжолари қайта тикланди. Жумладан, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Шаҳрисабз, Термиз, Қарши шаҳарларидаги тарихий обидалар қайта таъмирланди. Чубин ва Кўба масжидлари, Шайх Шамсиддин кулол ва Гумбази Саидон мақбаралари, Темурийлар авлодларига қўйилган Дорус-Тиловат ва Дорус Саодат мақбаралари, Кўк гумбаз масжиди, Қиличбой мадрасаси, Султон Саодат ансамбли ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Президентимизнинг 2007 йил 20 февралидаги "Ҳазрати Имом (Хастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрида Ҳазрати Имом мажмуасида жуда қисқа муддат ичида ғоят катта бунёдкорлик, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳозирги кунда Тошкентдаги Ҳазрати Имом жоме масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи Муборак зиёратгоҳи, Тилла шайх масжиди, Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг биноси ва бошқа ноёб, бетакрор иншоотлар кўзни қувонтириб, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятини яна бир карра дунёга кўз-кўз қилди.

Бухородаги Тоқи Заргарон, Тоқи Телпакфурушон, Тоқи Саррофон савдо расталарига ҳам эътибор қаратилди. Бундан ташқари Сомонийлар мақбараси, Абдуллахон, Нодир Девонбеги мадрасалари, Арк мажмуаси Ўзбекистон усталари, тажрибали мутахассис — меъморлар, пардоз усталари жалб этилган ҳолда тикланди.

Хиванинг 2500 йиллигига бағишлаб шаҳардаги бир қатор мажмуалар тўлиқ ёки қисман қайта тикланишига эришилди. Муҳаммад Аминхон, Матниёз Девонбеги мадрасалари, Калта Минор минораси, Тошҳовли саройи, Паҳлавон Маҳмуд мемориал мажмуаси, Муса Тўра мадрасаси, Нуруллабой саройи, Жума масжид, Ислом Хўжа минораси, Арк масжиди, Оллоқулихон савдо расталари бунга ёрқин мисол бўла олади. Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишлаб Фарғона ва Қува шаҳарларида алломаларга аталган ёдгорликлар ўрнатилди. Ҳозирда ушбу табаррук қадамжолар юртдошларимизнинг зиёратгоҳ масканларига айланди.

Ўзбекистоннинг муҳим тарихий, маданий ва бадиий аҳамиятга эга музейлари тўлақонли ишлаши учун қатор чора-тадбирлар кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрдаги "Республика музейларининг фаолиятини яхшилаш чоралари тўғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонларининг қабул қилиниши бу масалаларга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганлигини кўрсатади.

Буларнинг ҳаммаси музей хоналари ва экспонатларининг қайта таъмири, фондларнинг янгиланиши, штат жадвалининг кенгайтирилиши маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг кўргазмаларини уюштиришда намоён бўлади. Жумладан, Давлат санъат музейи, Бадиий-амалий санъат музейи, Ўлкашунослик музейи билан бир қаторда Ойбек, Ғафур Ғулом, Юнус Ражабий, Усмон Юсупов, Тамарахоним, Мухтор Ашрафий ва бошқа уй-музейларга ҳам катта эътибор қаратилди. ЮНЕСКО таркибидаги Музейлар ишлари бўйича Халқаро Кенгаш Ижроия Қўмитасининг 88-сессиясида республика музейлар ишлари бўйича миллий қўмитасининг (РМИМҚ) ташкилоти мазкур соҳанинг устувор йўналишларини мувофиқлаштиришни таъминлади.

Мухтасар қилиб айтганда, бир пайтлар унутилиш арафасида турган миллий-маънавий меросимизнинг қайта тикланиши юртдошларимизда мустақиллигимизни қадрлаш, қалбида қувонч, фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Эълон

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**
**2012 йил 20 декабрь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади**

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 24-уйда жойлашган Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси балансидаги 2000 й. и/ч, д/р 01/406ZBA, бошланғич нархи 4 815 000 сўм бўлган «ГАЗ-3102», 2008 й. и/ч, д/р 01/407ZBA, бошланғич нархи 43 179 000 сўм бўлган «Мидибус SAZ NP-21» русумли; Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Т.Малик кўчаси, 3-«А»уйда жойлашган «YO'LOVCHITRANSSERVIS» ягона хўжалик ҳисобидаги маркази» балансидаги 2002 й. и/ч, д/р 01/046LBA, бошланғич нархи 7 312 587 сўм бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 9049 2931 8002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Тўловлар нақд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар навбатдаги ҳафталарнинг **пайшанба** кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй. Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

**Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.**

# МАЪНАВИЯТ



*Самарқанд вилояти Самарқанд туманида яшовчи Мансур Нуриллаевлар оиласи миллий ҳунармандчилигимиз ривожига фаол ҳисса қўшиб келаётир. Оила бошлиғи миниатюрачи-рассом М.Нуриллаев Самарқанд шаҳридаги "Руҳобод" ҳунармандлар марказида фаолият юритади. У яратган санъат намуналари нафис ва бетакрорлиги билан эътиборни тортади. Рафиқаси Мартаба Шерқулова миллий қўғирчоқлар ясайди. Улар биргаликда фарзандларига ўз ҳунарлари сир-асрорларини ўргатаётир.*

**Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

● МИЛЛИЙ МЕРОС

# "Тарихи Рашидий"

## АСАРИ ТАРИХИГА ЯНА БИР НАЗАР

***Миллий маънавиятимиз арбобларидан бири — Муҳаммад Ҳайдар мирзо "Тарихи Рашидий"дай қомусий тарихий асарнинг ижодкори, "Маҳмуднома" ва "Жаҳоннома"дай ўта қизиқарли сюжетли достонларнинг муаллифи, соҳибдевон шоир, Ёркент Саидия давлатининг асосчиси — Султон Саидхоннинг 24 йиллик вазири, фотиҳ лашкарбошиси, Кашмир ўлкасининг ўн бир йиллик ҳукмдоридир.***

Айниқса, лутфан иккинчи "Бобурнома" деб аталишга лойиқ бўлган "Тарихи Рашидий" асари ўзининг тарихий ва мемуарлик моҳияти, "Бобурнома"да бўлмаган Бобурнинг учинчи маротаба Самарқандга зафарли юриши ва шикаст топиши тафсилотларининг мукаммаллиги билан мислсиз адабий-илмий қимматга эгадир. Ҳайдар мирзонинг Заҳириддин Муҳаммад Бобурга холаваччалиги, онаси Хўб Нигор хоним ва отаси Муҳаммад Ҳусайн мирзонинг Тошкентда ўсиб voyaга етганликлари, Тошкент хони Султон Маҳмудхон Муҳаммад Ҳусайнга ўз опасини бериб кўрагонлик — хон куёви мартабасига етказиб, уни Ўратепага ҳоким қилиб жўнатгани, Муҳаммад Ҳайдарнинг Тошкентда туғилгани, унинг икки маротаба Кашмир ўлкасини фатҳ этиб, иккинчи юришида Кашмирда ўн бир йил ҳукмронлик қилгани гарчи зиёлиларимизга бир қадар аён бўлса-да, лекин кенг китобхонлар учун ҳали оммалашиб улгурмаган эди.

Бобур номли халқаро жамоат фонди 2007 йилдан буён маънавиятимизнинг Муҳаммад Ҳайдар мирзодай буюк дарғаси ҳаёти, қисмати ва ижодини бугунги ватандошларига кенгроқ таништиришдай яхши ниятда, хорижга тўрт маротаба махсус ва бир маротаба қўшма илмий экспедиция уюштирди, "Тарихи Рашидий" асарини ўзбек тилига ўгириш ташаббускори бўлди.

2007 йил май ойидаги экспедиция Урумчи, Қашқар ва Ёркент шаҳарларида бўлиб, Муҳаммад Ҳайдарнинг йигирма йил умри кечган масканлардан унинг ҳаётига доир осори-атиқалар ва ижоди намуналарини излади. Ушбу сафарнинг маҳсули ўлароқ Соҳибқирон Амир Темур зафарлари ҳақидаги туркий тилдаги "Зафарнома" (Шарафиддин Али Яздий) китобини, Муҳаммад Ҳайдар мирзо асари "Тарихи Рашидий"нинг Муҳаммад Ниёз Абдулғафур ўғли таржимасидаги Шинжонг (2007) нашрини ва Муъжизийнинг "Тарихи мусиқиюн" асарларини топиб келишга муваффақ бўлинди. Экспедиция аъзолари Ёркентда бўлиб, "Тарихи Рашидий"да ҳаёт йўли мукаммал акс этган Султон Саидхон, асар бағишланган Султон Абдурашидхон ва аср нодираси Омоннисохоним қабр-мақбараларини зиёрат қилдилар, тасвирларга тушириб қайтдилар. Булар "Тарихи Рашидий" нашрига жуда асқотди.

Бу топилдиқлар Бобур фонди раёсатини "Тарихи Рашидий"ни ўзбек тилига таржима қилишни тезлаштириш фикрига келтирди ва фонд ҳомийлигида бу иш бошланиб, хайрли ниҳоясига етди.

Муъжизийнинг "Тарихи мусиқиюн" асари табдил этилиб, факсимил нусхаси билан фонд ҳомийлигида "Мумтоз сўз" нашриётида чоп қилинди. Аммо "Тарихи Рашидий"ни нашр этиш бироз орқага сурилди. Чунки асар воқеалари XIV асрнинг ўрталаридан 1540 йилгача бўлган Марказий Осиё тарихига оид бўлиб, муаллифнинг ўзи 1540-1551 йиллар Кашмирда подшолик қилган. Шу боис китобга унинг подшолик даври ҳақидаги маълумотларни ҳам киритиш тақозо қилинарди.

Бунинг учун Бобур халқаро жамоат фонди яна икки марта Муҳаммад Ҳайдар мирзо қадамжолари бўйлаб махсус илмий экспедиция уюштирди. Ушбу экспедицияларнинг биринчиси Ўзбекистон-Қирғизистон-Тожикистон-Афғонистон бўйлаб уюштирилиб, етти кишилик илмий жамоа қайд этилган ҳудудларда Муҳаммад Ҳайдар мирзо қадамжоларини ўрганди, асарларини излади, мавжуд тарихий-илмий асарларни йиғиш ишлари билан шуғулланди. Чунончи, Тошкент шаҳрида унинг ота-онаси узоқ йиллар яшашган, камолга етишган. Бу ерда бобоси Юнусхоннинг салобатли, қабр-мақбараси, онасининг қабри бор.

Оҳангаронда Муҳаммад Ҳайдар мирзо Султон Саидхон билан чопқунда қатнашган. Андижонда хон синглисига уйланиб кўрагонлик мартабасига етган. Бу шаҳарда Муҳаммад Ҳайдар мирзо давлат арбоби сифатида шаклланди, ижодий-илмий камолотга етди.

Муҳаммад Ҳайдар Ўш қалъасида бўлган. Хўжанддан йўл-йўлакай такрор-такрор ўтган. Ўратепада падари бузруквори Муҳаммад Ҳусайн тўққиз йил ҳокимлик қилган. Бу шаҳар Ҳайдар болалиги кечган маскандир.

Ҳисорда бир неча маротаба Ҳайдар мирзонинг бўлгани унинг асаридан маълумдир. Экспедиция аъзолари Помир тоғлари оша, Бадахшонни ораладилар. Муҳаммад Ҳайдар мирзо бу тоғ-тошлар мамлакатида икки маротаба: бир марта бир йил, иккинчи марта 4 ой бўлган. У бўлган жой — Қалъаи зафар (ҳозирги Файзободдан 3-4 чақирим масофада, бугун бу маскан катта бир маҳалла) эди. Бадахшонга тўрт ойлик ҳарбий сафарида "Жаҳоннома" достони мана шу шарқироқ Кўкча сув соҳилларида ёзилган эди.

Сўнг Кобулга бориб, Бобур ҳузурида уч йил яшади ва Бобурнинг учинчи марта Ўрта Осиёга юришида ўзи ҳам жанг майдонида бўлди.

2009 йилнинг сентябрь-октябрь ойларидаги ушбу экспедиция ноябрь ойидаги навбатдаги экспедиция учун янада кўп манбаларни қўлга киритиш имкониятини берди.

Бобур халқаро илмий экспедициясининг Ҳиндистон сафари йўналиши Тошкент-Деҳли-Сринагар-Деҳли-Тошкент бўлди. Муҳаммад Ҳайдар мирзо Деҳлида йўл-йўлакай бир неча маротаба бўлган. Аграда Ҳумоюн мирзо саройида хизмат қилган ва Шерхон Сур билан Ҳумоюн муҳорабасида иштирок этган. Кашмир маликларининг илтимосларига кўра Муҳаммад Ҳайдар мирзо Ҳумоюн мирзодан 450 отлиқ аскар олиб, Кашмирга юриш қилган. Кашмирни эгаллаб, 11 йил подшоҳлик қилган. Биз Аграда Бобур бунёд этган, Ҳумоюн мирзо яшаган Боғи Гулафшон (ҳозирги Ором боғи - Рамбоғ) да бўлиб, унинг ёнидаги дарёнинг икки соҳилига кўз тикиб, бу ердаги дабдабали шоҳона ҳаёт ва суронли жанглар манзараларини тасаввур этишга ҳаракат қилдик.

Сринагар шаҳрига - Кашмирнинг марказига, шарқ Венециясига ташрифимиздан экспедиция мақсади: Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг ўн бир йиллик подшолиги фаолиятини ўрганиш, унинг асарлари ва Муҳаммад Ҳайдар ҳаёти ва ижоди тадқиқ этилган ҳинд, инглиз, урдузабон олимлари китобларини излаш эди. Университет ва фан марказларидаги профессор Ашраф Воний сингари олимлар билан ижодий-тадқиқий учрашувлар ҳамда Назир Аҳмад сингари маърифатли зиёлилар ҳиммати туфайли Ҳайдар мирзонинг ҳаёти ва ижодига доир ҳинд, инглиз, урду ва форс тилларидаги ўнга яқин илмий асарларни қўлга киритдик ва мақсадимизга эришдик. Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг ўн бир йиллик ҳаёти ва ижоди ўрганилиб, "Тарихи Рашидий"нинг ўзбек тилидаги нашрига "Муҳаммад Ҳайдар мирзони йўқлаб" номли мақола илова қилинди ва китоб нашр этилди.

Бобур халқаро жамоат фонди ташаббуси ва ҳомийлигида Андижонда ана шу экспедициялар натижалари ва "Тарихи Рашидий"нинг ўзбек тилидаги нашри ишларига маълум даражада илмий якун ясаш мақсадида 2011 йил 8 сентябрь куни "Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг "Тарихи Рашидий" асари ва унинг жаҳон маданияти тарихида ўрни" мавзусида халқаро илмий анжуман ўтказилди.

Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг мактабга илк қадам қўйган жойи ва даври Ҳирот бўлгани учун 2010 йил апрелида Туркманистон-Афғонистон-Эрон йўналишида Бобур халқаро илмий экспедицияси навбатдаги сафарга чиқди.

Ушбу экспедицияда ҳам Муҳаммад Ҳайдар мирзога доир кўплаб қимматли манбалар қўлга киритилди. Ниҳоят 2011 йил июнь ойида Бобур халқаро экспедициясининг охирги қўшма сафари — Ўзбекистон-Қозоғистон-Россия бўйлаб уюштирилиб, бундан мақсад буюк Соҳибқирон Амир Темур қадамжоларини ўрганиш ва Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг "Тарихи Рашидий" асаридаги воқеа-ҳодисалар кечган манзиллар — Балхаш кўли, Волга дарёси, Чу водийси, Тароз, Чимкент, Туркистон, Сайрам, Ўтрор, Алмати ва бошқа масканларда бўлиш эди.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси "Фан" нашриётида 1996 йилда нашр этилган асарлардан бири - Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг "Тарихи Рашидий" асарининг рус тилидаги таржимаси эди. Бу нодир тарихий асарнинг рус тилидаги дастлабки нашри ўзбек тарихчилиги ва таржимачилигининг барча ютуқ ва нуқсонларини ўзида акс эттирган ўзига хос бир нашр бўлди, десак муболаға бўлмас.

**Зокиржон МАШРАБОВ,**
**Халқаро Бобур фонди раиси,**
**Ваҳоб РАҲМОНОВ,**
**Халқаро Бобур мукофоти совриндори**

# ЖАРАЁН



(ЎзА) олган сурат.

*Фарғона тумани тиббий бирлашмасига қарашли туғруқ комплексида оналар ва болалар ўртасидаги саломатлик кўрсаткичларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Айни кунда "Саломатлик-3" лойиҳасига кўра замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётган туғруқ комплексининг акушер-гинеколог, неантолог ва педиатрлари "Бехатар оналик" дастури доирасида репродуктив саломатлик, туғруқлар оралиғини сақлаш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, гўдакларни парваришлаш бўйича олиб бораётган тушунтириш ишлари ўз самарасини бермоқда.*

● ТИББИЙ ХИЗМАТ

## Тез тиббий ёрдам

### МАМЛАКАТИМИЗ СОҒЛИКНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА АСОСИЙ БЎҒИНГА АЙЛАНИБ УЛГУРДИ

***Инсон ва унинг манфаатлари устувор саналган юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, она ва бола соғлигига, сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни йўлга қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, юртимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ, соғликни сақлаш тизимида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Ҳатто, энг чекка қишлоқ ва туманларда ҳам замонавий қулайликларга эга бўлган тиббий муассаса, ҚВПлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Уларнинг замонавий техника ускуналари билан жиҳозланиши эса аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада оширди.***

Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистонда сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ҳамда вилоятлар тез тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукаммал тармоғи яратилди. Тез тиббий ёрдам хизмати мамлакатимиз соғликни сақлаш тизимида алоҳида, энг йирик ташкилий тузилма сифатида 2000 йилдан ўз фаолиятини бошлади. Бугунги кунда тез тиббий ёрдам хизмати тизимнинг муҳим таркибий қисмига айланиб улгурди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, айниқса, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш даражасини сифат жиҳатдан яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Буни Хўжайли туман тиббиёт бирлашмаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур туманда 135055 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга малакали тиббиёт ходимлари ва бирлашма тасарруфидаги 1 та марказий шифохона, 4 та поликлиника, 12 та ҚВП сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Хусусан, она ва бола, хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш, туманнинг барча аҳолиси учун самарали, малакали тез тиббий хизматни ўз вақтида таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим. Соҳадаги ишларнинг кенг қамровда олиб борилишида Президентимизнинг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорлари дастуриламал бўлмоқда.

— Аҳволи оғир беморга ҳам сифатли тиббий ёрдам бир соат ичида кўрсатилса, бемор ҳаётини сақлаб қолиш имконияти катта бўлади, - дейди биз билан суҳбатда Хўжайли туман тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири Бахтиёр Абубакиров. — Яъни тиббий ёрдамнинг ўз вақтида кўрсатилгани, амалиётнинг сифатли ва бенуқсон кечиши беморнинг ҳаёти, унинг кейинги тақдирини ҳам белгилаб беради. Буни мамлакатимизда 12 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган тез тиббий хизмат маркази мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Қолаверса, Президентимизнинг 2009 йил 21 майда қабул қилинган "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Тез тиббий ёрдам марказларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиши натижасида бу ерда тез тиббий хизмат кўрсатиш сифати сезиларли даражада ошди. Бўлимимиз 30 ўринга мўлжалланган бўлиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналари, дори-дармон ва махсус жиҳозланган тиббий транспорт воситалари билан таъминланган. Тиббий муассасамизда 15 нафар шифокор ва 20 нафар ҳамшира фаолият кўрсатади. Беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш, ташхис қўйиш, даволаш ва жарроҳлик амалиётлари юқори малакали шифокорларимиз томонидан амалга оширилмоқда.

Тез тиббий ёрдам хизматида кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрда қабул қилинган "Аҳолига шошилинч тиббий ёрдам хизматини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари йўлга қўйилди. Шу асосда бўлимимизда ҳар йили 2-3 нафар ходим чуқурлаштирилган асосда малака оширишга эришмоқда. Қолаверса, бўлимимизда кўп йиллардан буён ишлаб келаётган Қодир Саитов, Йўлдош Яқубовдан шифокорлик масъулияти ва вазифасини қунт билан ўрганяпмиз. Беморларни фақат дори-дармон билан даволаш эмас, балки ширин сўз билан ҳам дардларига малҳам бўлиш асосий мақсадимизга айланиб улгурган.

Мамлакатимизда тез тиббий ёрдам тизими моддий-техник, илмий ва кадрлар салоҳиятини битта тузилмага бирлаштирган ҳолда аҳолининг барча қатламларига турли фавқулодда ҳолатларда малакали тез тиббий ёрдамни бепул ва ўз вақтида кўрсатишни мақсад қилиб олган. Ана шу мақсад йўлида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Қанчадан-қанча беморлар ўз вақтида дардига шифо топиб, севимли оиласи ва фарзандлари бағрини тўлдирмоқда. Жойларда халқимизнинг тез тиббий ёрдам хизматига бўлган ишончи ортиб бораётгани эса доимо эл-юрт саломатлиги йўлида фидоийлик билан фаолият олиб бораётган шифокорларимиз меҳнати самараси, десак адашмаймиз.

**Эркин ДОРИПОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

● ҚАРОР ВА ИЖРО

## Санъатга ошуфта диллар

***Юртимизда келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг санъат ва мусиқа билан шуғулланишлари учун катта шарт-шароитлар яратилмоқда. Зеро, мусиқа ва санъат инсонни комилликка етаклайди, уни юксалтиради, маънавий дунёсини бойитади. Санъатга ошнолик киши қалбида олийжаноб туйғуларни пайдо этади.***

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юртимиздаги санъатга ошуфта ёш авлод учун катта имкониятлар яратди. Қарордан сўнг юртимизда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базаси тубдан мустаҳкамланди. Гулистон шаҳридаги мусиқа ва санъат мактаби ҳам қайта реконструкция қилинди. Таъмирлаш ишларига Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ ажратилди. Болалар мусиқа ва санъат мактабида айни кунда 260 нафар болажон санъат сирларини пухта ўрганмоқда. Улар "Ўзбек халқ чолғу созлари", "Фортепиано", "Баян-аккардион", "Хореография", "Скрипка", "Дамли ва зарбли чолғу асбоблари" йўналишлари бўйича сабоқ олмоқдалар. Яқинда ўқувчиларга "Ўзбек халқ анъанавий қўшиқчилик ижроси" йўналиш бўйича ҳам машғулотлар йўлга қўйилди. Ўқувчиларнинг ҳайкалтарошлик санъатини пухта эгаллашлари учун ҳам етарли шарт-шароитлар ҳозирланди.

— Ҳайкалтарошлик йўналиши учун сув ҳавзаси барпо этилиб, лой маҳсулотларини тайёрлашга махсус идишлар ўрнатилди, - дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Алишер Ҳайдаров. — Ўқувчиларимиз айни кунда моҳир мураббий Ғулом Алимовдан ушбу санъат сирларини қунт билан ўрганмоқдалар. Таълим даргоҳида тасвирий санъат, фортепиано, хореография йўналишлари бўйича малакали мураббийлардан сабоқ олаётган ёшлар ўз устозларининг машаққатли, заҳматли меҳнатларини оқлаб, нуфузли халқаро танловларда муваффақиятли иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритмоқдалар. Жумладан, мактаб ўқувчиси Анора Эшчонова фортепиано бўйича Боку шаҳрида ўтказилган "Озарбайжон композиторлари асарларининг энг яхши ижрочиси" халқаро фестивалининг ғолиби бўлган бўлса, яна бир иқтидорли ўқувчи Сирожиддин Абдувоитов ЮНЕСКО томонидан Москва шаҳрида ўтказилган "Янги номлар" фестивалида рубоб-прима сози бўйича совриндорлар қаторидан ўрин олди. Мактабнинг оркестр ва хор жамоаси эса пойтахтимизда ўтказилган "Наврўз садолари-2012" V-Республика миллий чолғу асбоблари ансамбли ва оркестрлари фестивалида ғолибликни қўлга киритди. Улуғбек Маматқулов мактабда "Тасвирий санъат" йўналиши бўйича ёшларга сабоқ бериб келади. У ўз шогирдлари ҳақида фахрланиб гапира бошлади.

— Шогирдларимдан 20 нафари санъат соҳасидаги олий ўқув юртларида таълим олмоқда, - дейди қувонч билан У.Маматқулов. — Иқтидорли шогирдим Муҳиддин Ризқиев Камолиддин Беҳзод номидаги рассомлик ва миллий дизайн институтига грант асосида ўқишга қабул қилинди. Ҳозирги кунда пойтахтдаги Беньков номидаги республика рассомлик коллежида Вилоятхон Бозорова, Олтиной Шодиева, Диёра Нурматова, Улуғбек Тўхтаназаров каби иқтидорли шогирдларим таҳсил олаяпти. 5 нафар ўқувчимиз ҳар йили "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивалининг вилоят, республика босқичларида қатнашиб, юқори ўринларни эгаллаб келади.

Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари билан дилдан суҳбатлашганимизда улар устозлари Алишер Ҳайдаров, Барно Холиқова, Светлана Иванова, Ғулом Алимов номларини катта ҳурмат билан тилга олганларига гувоҳ бўлдик.

Таълим масканини айланар эканмиз, ўқувчи-ёшларнинг санъат турларини катта қизиқиш билан ўрганаётганликлари эътиборимизни тортди. Санъатга ошно кўнгиллардан эса асло ёмонлик чиқмайди.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

● ДАВРА СУҲБАТИ

## Жамоатчилик назорати

### УНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ФУҚАРОЛАР ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ИШТИРОКИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

***Пойтахтимизда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ҳамкорлигида "Жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари иштироки механизмларини шакллантиришнинг долзарб масалалари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти маҳалла раислари, фуқаролик жамияти институтлари мутасаддилари, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси, Ўзбекистон савдо ва саноат палатаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари, адлия органлари ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.***

Таъкидланганидек, юртимизда демократик ислоҳотларнинг янада чуқурлашиши фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари, шу жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги фаоллиги ва кучайишига бевосита боғлиқ.

Давра суҳбати иштирокчилари Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясида кўзда тутилган мақсад-вазифаларни амалга ошириш жараёнидаги иштирокига эътибор қаратишди. Хусусан, институтнинг фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, улар фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида демократлаштириш ва либераллаштириш масалаларига бағишланган тадбирлар ташкил этишдаги фаолияти юқори баҳоланди.

Экспертлар эътироф этишганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда маълум бир соҳаларда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ва амалиёти шаклланган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида жамоатчилик назоратини амалга оширишни тартибга солувчи нормалар бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Жумладан, ўзини-ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назоратини "Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ амалга оширмоқда.

Тадбирда сўз олганлар жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг усул ва шаклларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, ушбу жараёнларда фуқаролар, нодавлат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг иштироки механизмларини янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлигини таъкидлашди.

Давра суҳбатида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги ва "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Тадбир якуни бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг иштироки, соҳага оид ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Камолиддин САИДҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

● ФАОЛИЯТ

## "Ғалаба" ўқув спорт-техника клуби

### ЁШЛАРНИ МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАМОҚДА

***Бугун ёшларимизнинг барча соҳаларга бўлган қизиқиши ва интилишини кўриб фахрланасан. Улар яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, юқори ютуқларга эришиб, ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлиб етишмоқда. Ёшларимизга қанот бўлаётган Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Самарқанд вилояти кенгаши тасарруфидаги "Ғалаба" ўқув спорт-техника клуби ҳам бу борада ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда.***

Клуб мамлакатимиз Қуролли Кучларига, халқ хўжалиги тармоқларига оммавий техник касбдаги мутахассислар тайёрлаш, ёшларни чақирувга ҳозирлаш, улар орасида олиб борилаётган ватанпарварлик тарғиботини кучайтириш, ҳарбий хизматга чақирилувчиларда бошланғич билим ва кўникмаларини шакллантириш, спортнинг тегишли ва амалий турларини ривожлантириш билан шуғулланади. Масканнинг ташкил топганига яқинда бир йил бўлади. Асосан "В", "ВС" тоифали ҳайдовчилар тайёрлашга ихтисослашган масканда тажрибали, ўз касбининг усталари бўлмиш мутахассислар, бўлажак ҳайдовчиларга автомобилларнинг тузилиши, улардан фойдаланиш борасидаги билим ва кўникмаларни бериб келишмоқда.

— Ёшларимизга ҳайдовчилик сир-асрорларини ўргатиш баробарида автомобиль спорти ҳақида кенгроқ тушунча беришга ҳаракат қилаяпмиз, - дейди клуб бошлиғи Нажмиддин Ҳикматов. — Мактабларда, мактабгача таълим муассасаларида, корхоналарда ва ён-атрофдаги маҳаллаларда мутахассис ўқитувчиларимиз йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ мунтазам суҳбатлар уюштириб, тушунтириш ишлари олиб боришади. Ўқувчилар автомобиль тузилиши, ундан фойдаланиш, йўл ҳаракати қоидаларини ўрганишда видеолавҳалар ёрдамида кўникма ҳосил қиладилар. Шунингдек, компьютер ва бошқа замонавий воситалардан кенг фойдаланишади.

"Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур", деган нақл бежизга айтилмаган. Мана шундан келиб чиққан ҳолда, автомактабда барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Замонавий талабларни ўзида мужассам этган синф хоналари, автомайдонча, кўргазмали ўқув қуроллари ҳамда турли русумдаги машқ автомобиллари тингловчилар ихтиёрида. Бир сўз билан айтганда, автомактаб моддий-техника базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Энг муҳими, бўлажак ҳайдовчиларнинг малакасини оширишда, назарий билимларини амалда синаб кўриш мақсадида мавжуд автотранспорт воситаларининг техник жиҳатдан соз ва яроқли ҳолда бўлишига доимо эътибор билан қаралади.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

**БИЗНИНГ ШАРҲ**

## Табиатнинг оқ “либос”и

### САЙЁРАМИЗДА ҚИШ МАВСУМИ ЭРТА ЭШИК ҚОҚМОКДА



*Мутахассисларнинг фикрича, сайёрамизда бу йилги қиш мавсуми нисбатан эрта келади. Бунга бир неча йиллардан буён турли минтақаларда кузатилаётган жазирама иссиқ, тинимсиз ёғингарчилик ёки ҳароратнинг кескин пасайиши об-ҳавонинг совиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Ўтган ҳафта Европанинг қатор давлатларида ёққан қор, Италия, Польша, Испаниянинг жанубий-шарқий қисмларида кузатилган тинимсиз ёмғирлар ҳавонинг кескин совишига олиб келди. Ғарбий-шимолий минтақаларда эса қор ёққани ҳақида хабарлар тарқатилган. Совуқ ҳароратнинг минтақада ҳали-ҳануз сақланиб тураётгани аҳолига кўплаб ноқулайликлар туғдирмоқда.*

Олимлар қиш мавсуми яқинлашгани сайин сайёрамизда ҳаво ҳарорати қандай бўлиши хусусидаги ҳисоб-китобларга янада аниқлик киритиб, маълум хулосаларни эълон қилишмоқда. Уларнинг фикрича, совуқлик жорий мавсумда ўтган йилгидан қолишмайди. 2011 йилда Шарқий Европада ўртача ҳарорат 3 даражагача, Ғарбий томонларда эса 2,5 даражагача пасайган эди. Бу йилги қиш Шимолий Америкада эрта бошланиб, узоқ давом этиши мумкин. Боз устига, ёғингарчилик ҳам кўпайиши кутилмоқда.

Кузатувчиларнинг фикрича, ҳозирдан Шимолий Американи жиддий синовлар кутиб турибди. АҚШнинг кўплаб шаҳарларига ёпирилган “Сэнди” тўфони миллионлаб одамларни бошпанасиз қолдирди, қор аралаш кучли тўфон соатига ўн етти километр тезлик билан ҳаракатланган. Тўфон АҚШнинг Мэриленд, Нью-Жерси, Делавэр, Коннектикут, Пенсильвания, Массачусетс, Вермонт, Огайо, Виржиния ва Шимолий Каролина штатларининг катта қисмига зиён етказган. Бу ўтган 100 йилда кузатилган энг катта табиий офат сифатида баҳоланди. Жорий қиш мавсумининг янада оғирроқ келиши “Сэнди”дан кейинги навбатдаги “бош оғриқ”лар бўлиши мумкин. Ҳозирнинг ўзида кўплаб штатларда ёғаётган ёмғирларнинг қорга айланиши транспорт ҳаракатларига таъсир кўрсатмоқда. Айрим ташкилотларда иш вақтини қисқартириш режалари кўрилаётир. Бу бизга бундан икки-уч йил олдин АҚШдаги совуқ ҳароратдан сўнг минтақани Америка Қўшма Штатлари эмас, ҳазил тариқасида Америка Қорли Штатлари дея аталганини эслатиб юборади.

Синоптиклар об-ҳаводаги кескин ўзгаришларни Атлантика океанида вужудга келадиган илиқ оқим - Гольфстримнинг сусайиши билан боғлашмоқда. Бу оқим кўҳна қитъани Арктика қаҳратонларидан ҳимоялайди. Мутахассисларнинг аниқлашича, сўнгги йилларда Гольфстримнинг тезлиги икки баробарга секинлашган. Бунинг салбий таъсири Скандинавияда билина бошланган. Гольфстрим дастлаб сониясига 25 млн. км. куб ҳажмдаги сув билан ҳаракатланади (Бу Ер юзидаги барча дарёлар сувидан 20 марта кўп). Йўлда унинг таркибига яна бир кучли оқим — Антиль қўшилиб, Европа ҳудудига ўтишида юқоридаги кўрсаткич сониясига 82 млн. км. кубга етади. Шундай қилиб, океаннинг илиған шўр сувлари шимолга қараб интилади ва йўл давомида ундаги иссиқлик атмосферага ажралиб чиқади. Океан шамоллари эса ушбу ҳароратни кўҳна қитъанинг соҳилбўйи ҳудудлари ва оролларда жойлашган давлатларга олиб келади.

Мазкур фикрни инглиз олимлари ҳам тасдиқлашган. Уларнинг фикрича, глобал ўзгаришлар Европа об-ҳавосининг совишига олиб келади. Яъни, Европанинг асосий қувват манбаи ҳисобланган иссиқ Гольфстрим оқими ишини таъминловчи механизм минтақада кузатилаётган об-ҳавонинг ўзгаришлари оқибатида секинлашади. Тадқиқот гуруҳи кузатишларига кўра, Гренландия қирғоқларида ҳавзалар юзасидаги совуқ сувларнинг иссиқ сувлар билан алмашиниши жараёни сўнгги йилларда чорак баробар қисқарган. Ваҳоланки, мазкур сув қатламларининг алмашинуви Гольфстримнинг двигителларидан биридир. Мутахассисларнинг фикрича, жараённинг секинлашуви яқин бир неча йил ичида Европага ўз таъсирини кўрсатади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Кўҳна қитъа олдида яна бир жиддий синов турибди: агар сайёрамиздаги океанлар сувлари аввалгидек кўтарилишда давом этса, 40-50 йилдан кейин қуруқликларнинг бир қисми сув остида қолиши мумкин.

Об-ҳаволар ҳақидаги кунлик маълумотлар аҳолининг диққат марказида турибди. Ҳозирдан хорижнинг кўплаб оммавий ахборот воситалари орқали бу йилги қишда қандай тайёргарлик кўриш керак, хавфсизлик чораларини кўриш борасида кўплаб тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Европа сингари минтақамизга ҳам қишнинг ҳарорати аллақачон сезилмоқда. Аммо бунга тайёргарлик кўриш борасида ота-боболаримизнинг машҳур “Ёзда ёпинчиғингни қўйма, қишда ўзинг биласан”, деган мақолини эслаш кифоя. Дарҳақиқат, қиш ғамини ёзда қилган маъқулроқ.

Нидерландия ҳукумати томонидан қишга тайёргарлик жараёни аллақачон бошлаб юборилган. Лолалар юртида велосипедлар ҳаракати учун махсус йўллар қурилмоқда. Маълумотларга кўра, махсус қоришма билан қопланган бундай йўллар қишнинг изғирин кунларида ҳам музламайди. Бу ёғингарчилик вақтида ҳам ҳеч қандай хавотирсиз велосипеддан фойдаланиш имконини беради. Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатнинг Зютфен ва Утрехт шаҳарларида қуриладиган мазкур янги йўллар ноқулай об-ҳаво шароитида велотранспортдан фойдаланувчилар ўртасида юзага келадиган ҳалокатларни камайтиришга хизмат қилади. Европадаги совуқ ҳарорат айрим давлатлар учун даромад манбаи сифатида хизмат қилмоқда. Хабарларга қараганда, минтақанинг шимолий ҳудудларидан саналган Гренландияда яқиндан бошлаб муз парчаларидан ичимлик суви ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маълумотларга қараганда, юз фоиз муз бўлагидан иборат янги турдаги ушбу ичимлик суви экологик тоза, инсон саломатлиги учун фойдали. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, “муз сув”ни ишлаб чиқаришда икки минг йилдан зиёд вақт мобайнида сақланган айсберг ва муз қатламларидан фойдаланилмоқда. Шиша идишларда қадоқланаётган бундай сувни ичимлик суви танқис мамлакатларга экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, ҳароратнинг тушиб кетишига шимолий қитъалардаги улкан айсберглар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бунга мисол сифатида жорий йилнинг февралида Антарктида соҳилидаги баҳайбат музликдан ажралиб чиқиб, ҳали-ҳануз ўз «саёҳати»ни давом эттираётган айсбергни айтиш ўринли. Унинг катталиги дунё океани олдида денгиздан томчидек бўлса-да, ҳажми ва ҳарорати уммондаги сув айланишига таъсир кўрсатишга қодир. Олимларнинг фикрича, бу муз палахсаси туфайли океан оқимлари ўзгариши мумкин. Айсберг ҳозир уммоннинг чуқур совуқ оқимлар вужудга келувчи қисмида жойлашган. У океанда иссиқлик алмашинувига салбий таъсир кўрсатиб, иқлимни бир неча ўн йил ўзгартириши эҳтимолдан холи эмас. Олимларнинг фикрича, Люксембургдай келадиган музлик бир неча ойдан буён зич ва жуда совуқ океан суви вужудга келадиган ҳудудни тўсиб қўйган. Бу денгиз оқимларининг йўналишини ўзгартириб, бу йилги об-ҳавога жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Айсберглар бугунги иқлим ўзгаришига қай даражада таъсир кўрсатаётгани ҳақида жаҳон афкор оммаси турлича, аммо асосли фикрларни илгари суришмоқда. Кузатувчиларга кўра, улкан муз палахсалари ҳудудлардаги денгиз ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, Антарктида соҳилида пайдо бўлган айсбергдан император пингвинлар зарар кўради, қушлар эса доимий масканларидан учиб кетиш эҳтимоли бор.

Айсберг вужудга келгунга қадар Мерц ярим ороли ўзига хос сув ҳавзасини ҳосил қилганди. Бу сувнинг оқимларга қўшилмасдан совуқлигича сақланиб қолишига хизмат қиларди. Шунингдек, ажралган айсберг Мерц музлиги умрини анча қисқартирди. Жараёнларни кузатаётган яна бир гуруҳ мутахассислар бу борада бошқача фикрда. Уларнинг таъкидлашича, айсберг туфайли Европада қиш одатдагидан совуқ келиши мумкин. Шунга қарамай, Люксембургдек келадиган катта муз палахсаси сайёрамиз иқлимига жиддий таъсир кўрсата олмайди. Мерц музлиги вақти-вақти билан парчаланиб туриши табиий жараёнлиги инобатга олинса, айсбергнинг иқлимга таъсири билан боғлиқ хабарлар одамларни ваҳимага солишдан бошқа нарса эмас.

**Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,**
**Беҳзод ИСКАНДАР**

**Голфьстрим сайёрамиздаги энг кучли илиқ оқим бўлиб, Кариб денгизидаги Мексика кўрфазида ҳосил бўлади. Кучли шамол катта ҳажмдаги сувни Юкатан кўрфази орқали суриб боради. Илиқ оқим океаннинг совуқ минтақалари сари йўл олади. У, ҳатто, Шимолий қутбгача, Атлантика шимолидан Янги Ер ва Шпицберген оролларигача етиб боради. Шу нуқтада унинг сув ҳарорати пастлашиб, қўшни ҳавзаларники билан тенглашиб, тўхтайди. Мазкур ҳаракат масофаси 10000 км., тезлиги соатига 10 км., кенглиги 110-120 км., иссиқлик қуввати эса тахминан 1,4х1015 ватт экани аниқланган.**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Ўзинг ўйлаб, фикр қил

**Буюк Британиялик ўқувчиларнинг калькулятордан фойдаланиши таъқиқлаб қўйилди.**



Буюк Британия таълим вазирлиги томонидан қабул қилинган қарорга кўра, эндиликда мактаб ўқувчиларининг имтиҳон пайтида калькулятордан фойдаланиши мумкин эмас. Мутахассисларнинг фикрича, ўқувчи-ёшларнинг бундай техникани мунтазам ишлатиши билим ва савияга таъсир кўрсатиши мумкин. Тадқиқотчилар бир неча йиллик тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келишган. Янги тартибга кўра, эндиликда бошланғич синф ўқитувчи ва ўқувчилари ҳам дарс жараёнида калкульятордан фойдаланмаслиги лозим.

## Текширув ўтказилади

**Жанубий Кореянинг Йонгван АЭСидаги бир неча атом реакторлари фаолияти вақтинча тўхтатилди.**



Қалбаки ҳужжатлар орқали атом реакторлари савдоси билан шуғулланувчи компания маҳсулотида кўплаб техник носозликлар аниқланган. Текширувларга кўра, номи сир тутилган бу компаниянинг атом реакторлари хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Шу боис техник носоз реакторлар бир йил давомида текширувдан ўтказилади. Бу ишни “Korea Hydro and Nuclear Power” давлат энергетика компанияси бажариб, улар ноқонуний ҳужжатлар билан маҳсулот ишлаб чиқарган компания фаолиятини текширади. Бошқа тарафдан мутахассислар мазкур атом реакторларининг тўхтатилиши мамлакатда электр энергияси тақчиллигини юзага келтириши мумкин. Хабарларга кўра, мамлакатда умумий ҳажмда 23 та атом реакторлари ишламоқда.

## 2015 йилгача

**Сайёрамиз бўйлаб смартфонлар савдоси ошиб бормоқда.**



Ҳозирча улар сони бир ярим миллиардга яқинлашган. 2015 йилгача бу кўрсаткич икки миллиарддан ошиши кутилмоқда. 2012 йилда смартфонлар савдоси ўтган йилга нисбатан 47 фоиз кўпайган. Ўз навбатида европалик олимлар смартфонлар учун янги илова дастурини яратди. "Anxiety Coach" дастури одамга руҳий ёрдам кўрсатади. Илова фойдаланувчини ўзига бўлган ишончини янада кучайтириш имконини берадиган, ваҳимадан қутилишга ёрдам берадиган машқ дастурлари билан таъминланган.

## Ҳиндистон мажмуалари

**Ҳиндистонда 2018 йилга бориб ахборот технологиялари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қирқдан зиёд мажмуа барпо этилади.**



Ҳар бир мажмуанинг майдони беш юз гектардан ошиши кутилмоқда. У ерларда ташкилот ва идоралар, турар-жой бинолари, савдо марказлари, шифохоналар ва дам олиш масканлари ташкил этилади. Ушбу лойиҳа амалга оширилса 3,5 миллионга яқин янги иш ўринлари яратилади.

*Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди*

**РАНГИН ДУНЁ**

## Лувр музейи

*Франция ғарбий Европадаги энг йирик давлат бўлиб, Нормандиянинг совуқ, қояли қирғоқларидан то Ўрта ер денгизининг иқлими илиқ мовий қирғоқларигача чўзилган. Пойтахти — Париж дунёдаги энг чиройли шаҳарлардан бири. Бундан 2000 йиллар илгари Сена дарёси оралиғида вужудга келган шаҳарда қадимий бинолар ниҳоятда кўп. Масалан, бир пайтлар қирол саройи бўлган Лувр музейи дунёдаги энг йирик ва кўҳна мажмуа ҳисобланади.*



Дунёга донғи кетган санъат музейи бугунги кунда ҳам Париж шаҳри маркази, Сена дарёсининг ўнг қирғоғи, Риволи кўчасида жойлашган. Мажмуа ҳудуди Людовик XIVнинг отлиқ ҳайкали турган жойдан бошланади. Майдони бўйича жаҳонда учинчи ўринда турадиган музей 160 минг квадрат метр майдонни эгаллаган. Музей зиёратчилар сони бўйича ҳам жаҳонда етакчилик қилади. Луврга ҳар йили 8,5 миллион зиёратчи келади.

Қадимги цивилизацияларга оид бебаҳо санъат дурдоналарини ўзида жамлаган музей хазинасида уч юз мингдан ортиқ экспонат мавжуд. Улардан фақатгина ўттиз беш мингтасигина кўргазма залларида намойиш этилади. Айрим экспонатларга зарар етмаслиги учун ҳар йили маълум бир муддатга экспозицияларга қўйилади. Кенг оммага музей эшиклари илк маротаба 1793 йил очилган. Энг сўнгги техника билан жиҳозланган музей биносига ҳозирда 1989 йили меъмор Йо Минг Пей лойиҳасига кўра қурилган ойнаванд пирамида орқали кирилади.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Лувр саройи салкам 8 аср давомида қурилган. Даставвал, сарой 1190 йили қирол Филипп Август қалъаси сифатида барпо этилган. Кейинчалик шу ердан туриб, французлар Сена дарёси бўйлаб ўтаётган викинглар кемасини кузатишади. 1317 йилга келиб, қирол Карл V уни қароргоҳ қилиб олади. Қирол Франциск I даврида қалъа бутунлай бузиб ташланади. 1546 йилдан бошлаб Генрих II ва Карл IX даврларида бино ўрнида янги минора ва муҳташам сарой қад ростлайди. 1594 йили Генрих IV Екатерина Медичи буйруғи билан бунёд этилган Тюилри қасрини бирлаштиришга аҳд қилади. Саройнинг тўртбурчак шаклдаги ҳовлисини безатишда меъморлар Лемерсе ва Луи Леволар маҳорат кўрсатишди. Людовик XIII ва Людовик XIV ҳукмронлиги пайтида мажмуа тўрт баробарга катталаштирилди. Уни безашга Пуссен, Романелли ва Лебрен сингари машҳур рассомлар масъул бўлишди. 1667-1670 йиллари меъмор Клод Перро лойиҳасига асосан сарой ҳовлисига устунлар ўрнатилди. 1682 йили қирол Версал номли қасрга кўчиб ўтгач, Луврни музей шаклига келтириш фикри туғилади. Наполеон I даврига келиб, Персье ва Фонтен томонидан Риволи кўчаси шимолида бошланган қурилиш ишлари натижасида музей ҳудуди янада кенгаяди.

Лувр экспозицияларидаги деярли ҳар бир асар қимматбаҳо ҳисобланади. Музейда илк ўрта асрдан XIX асрга қадар ишланган ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъат асарлари мавжуд. Айниқса, қадимги Шарқ, Миср, Греция ва бошқа маданиятларга тегишли ҳайкаллар, буюмлар, тасвирий санъат ва графика асарларининг баҳоси йўқ. Шарқ тўпламидаги асарлар учга - Мовароуннаҳр; Эрон ва Сурия; Фаластин, Кипр ва бошқа Ўртаер денгизи мамлакатларидан келтирилган санъат асарлари экспозицияларига ажратилган.

Масалан, Луврнинг қадимги Миср бўлимида қимматбаҳо тақинчоқ ёки бадиий буюмлардан ташқари, дахма ва папирусларни учратиш мумкин. Қолаверса, музейдаги антик давр коллекциялари орасида грек ҳамда қадимги Италия ёдгорликлари ҳам бор. Амалий санъат бўлимида эса турли даврларда инсон қўли билан ясалган буюмлар (мебель, заргарлик маҳсулотлари ва ҳоказо) ўрин олган. Қимматбаҳо тошлар билан безак берилган қирол тожи, қилич, давлат ва қироллик ҳаётини акс эттирувчи ашёлар музейга ташриф буюрувчилар қизиқишини янада орттириши табиий.

Бугунги замонавий Лувр муттасил равишда янгиланиб туради. “Лувр дўстлари жамияти” аъзолари, хайрия ташкилот ва фондлар, қолаверса, хайрихоҳлар томонидан музей учун экспонатлар тўплаш яхши йўлга қўйилган. Ана шундай экспонатлар сирасига Луврга яқиндагина тақдим этилган археологик топилмалар киради. Улар орасида қирол Карл VI тегишли дубулға бўлиб, мутахассислар уни майда парчалардан қайта тиклашга муваффақ бўлишди. Санайверсак, Лувр бағридаги хазиналарнинг адоғига етиб бўлмайди. Айтишади-ку, минг марта эшитгандан кўра бир бора кўрган афзал, деб. Мабодо, йўлингиз Парижга тушиб қолса, албатта, Луврга кириб ўтинг.

**Зафар МУҲАММАД**

# КЎЗГУ

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

## «Ипагимиз асрлар оша»

**Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида «Ипагимиз асрлар оша» шиори остида кўргазма бўлиб ўтди.**

Фонд Форум, Британия-Ўзбекистон жамияти, жамиятни қўллаб-қувватлаш Фонди ҳамда Тошкент текстил ва енгил саноат ишлаб чиқариш институти ташкилотчилигида ўтказилди. Кўргазмада ипак тарихи, ундан фойдаланишда ишлаб чиқариш технологиялари ва замонавий тенденциялари тўғрисида айтиб ўтилди. Кўргазма экспозицияларида Ўзбекистондан уч йўналишдаги тарихий костюмлар, суратлар, ишлаб чиқариш давомида безак беришдан намуналар намойиш этилди. Тадбирнинг очилиш маросимида 150 дан зиёд меҳмон иштирок этди. Улар орасида санъат арбоблари, машҳур дизайнерлар, дипломатия ва тижорат соҳаси вакиллари, Буюк Британия музейлари, текстил йўналишидаги эксперт-мутахассислар ҳам бор эди.

**Гўзал РАҲМОНОВА**

## Сир ва мусаввир

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейида рассом Анорқул Бойбековнинг шахсий кўргазмаси ташкил этилди.**

А.Бойбеков 1966 йил Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида таваллуд топган. 1984-1990 йилларда Тошкентдаги П.Беньков номидаги республика рассомлик билим юртида ўқиди. 1991 йилдан Сирдарё вилоят мусиқали драма театри бош рассоми, 2005 йилдан бошлаб Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлими раиси лавозимида ишлаб келмоқда. Ўтган давр ичида рассом Буюк Британия, Бельгия, Вьетнам, Германия, Корея, Малайзия, Польша, Россия, Япония каби мамлакатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда қатнашди. Пойтахтимизда очилган навбатдаги кўргазмага рассомнинг "Тонг", "Сирдарёда баҳор", "Қишлоқда қиш", "Ёмғирдан сўнг", "Соҳилда ёз" каби бир нечта асарлари қўйилган. Мазкур асарларда тўрт фасл, кеча-кундузнинг тўрт вақт ва ҳудудлардаги кўринишлари ёрқин бўёқларда ўз аксини топган. Кўргазма шу йилнинг 20 ноябригa қадар бўлиб ўтади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

## Жаҳон шахмати юлдузлари Тошкентда беллашади

**Жорий йилнинг 21 ноябрь-5 декабрь кунлари пойтахтимизда халқаро шахмат федерацияси - ФИДЕнинг Гран-при турнири ўтказилади. Унда жаҳоннинг энг кучли 12 нафар гроссмейстери иштирок этади.**

ФИДЕ Гран-присининг биринчи босқичи шу йил сентябрь-октябрь ойларида Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ўтказилган эди. Энди иккинчи босқичга Тошкент мезбонлик қилишга ҳозирлик кўрмоқда. Кейинги босқичлар эса 2013 йили Лиссабон, Мадрид, Берлин ва Париж шаҳарларида бўлиб ўтади. Таъкидлаш жоизки, ФИДЕ қоидаларига кўра ташкил этиладиган Гран-при мусобақалари олти босқичда икки йил давомида ўтказилиб келинади, унда муваффақиятга эришган уч нафар даъвогар шахматчи амалдаги жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд билан куч синашиш имконига эга бўлади. Жаҳон шахмат тожи учун кураш баҳси эса 2014 йили ўтказилиши кўзда тутилмоқда. Тошкентда ташкил этиладиган Гран-при мусобақалари доирасида дунёнинг энг кучли гроссмейтерлари Ўзбекистоннинг энг истеъдодли ўсмир шахматчилари билан маҳорат машқлари ўтказишади. Айни чоғда шахмат бўйича Гран-при иккинчи босқич мусобақалари ФИДЕга аъзо 170 га яқин мамлакатларга Тошкентдан тўғридан-тўғри трансляция қилинади.

**"Туркистон-пресс"**

САНЪАТ ОШЁНИ






## Янги қиёфа касб этган мусиқа ва санъат мактаби

### УНДА ИСТЕЪДОДЛАР БЎЙ ЧЎЗМОҚДА

***Мамлакатимизда ёш авлод тарбияси ва камолотига бўлган эътибор йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Спорт, санъат, мусиқа, таълим каби барча йўналишларда Ватан келажаги бўлмиш ёшларнинг ўзини кўрсатиши, истеъдоди ва маҳоратини юзага чиқара олиши учун барча имкониятлар муҳайё. Биргина мусиқа ва санъат йўналишини оладиган бўлсак, юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам кўзни қувонтирадиган мусиқа ва санъат мактаблари қад ростлаяпти. Қолаверса, "Янги авлод" болалар ижодиёти кўрик-танлови, "Келажак овози" каби танловлар минглаб истеъдод эгаларини кашф қилмоқда.***

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида"ги Қарори мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада яхшиланишида, моддий-техник базасининг такомиллашишида, бу йўналишдаги ишларнинг кенг кўламда амалга оширилишида дастуриламал вазифасини бажармоқда. Унда униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқалари, тасвирий санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш, бошланғич мусиқий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш ҳамда замонавий моддий-техник базасини шакллантириш, уларни мусиқий маданият ва санъат соҳасидаги юқори малакали педагог кадрлар ва мутахассислар билан таъминлаш масалаларига алоҳида ўрин берилган.

Ушбу қарор ижроси юзасидан кўплаб мусиқа ва санъат мактаблари қайта таъмирланди. Мана шундай мактаблардан бири пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 25-болалар мусиқа ва санъат мактаби яқинда таъмирланиб, янгича қиёфа касб этди. Мактаб замонавий кўринишда, янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Мактабда фортепиано бўлими, торли чолғулар, ўзбек халқ чолғулари, баян-аккордеон, гитара бўлими, эстрада хонандалиги, мусиқа назарияси, тасвирий санъат ва хореография каби ўндан ортиқ бўлимларда ўқувчилар ўз маҳоратларини оширадилар. Қайта реконструкциядан кейин мактаб фаолияти янада кенгайиб, 2012-2013-ўқув йилида театр санъати бўлими, эстрада ижрочилиги, халқ амалий санъати ва анъанавий хонандалиги, ёғоч ўймакорлиги каби бўлимлар очилди. Мавжуд барча йўналишларда таҳсил олаётган ўқувчилар сони 186 нафарни ташкил этади. Уларга 30 га яқин турли тоифадаги мутахассис педагоглар таълим берадилар. Фидойи устозларнинг меҳнатлари ва ўқувчиларнинг юксак даражадаги маҳоратлари санъат йўналишидаги танловларда ўз самарасини кўрсатмоқда.

— Мактабнинг иқтидорли ўқувчилари турли кўрик-танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқдалар, - дейди биз билан суҳбатда мактаб директори, "Халқ таълими фидойиси", "Шуҳрат" медали соҳиби Холида Холматова. — Улардан бири Айдилвар Хўжамёрова хореография йўналиши бўйича ҳар уч йилда бир маротаба ўтказиладиган Қори Ёқубов номли кўрик-танловнинг 2011 йилги республика босқичида 2-ўринни эгаллади. Ундан олдинги — 2008 йилги танловда ҳам ўндан ортиқ ўқувчиларимиз қатнашиб, тўрт нафари республика босқичига чиққан эди. Баян чолғуси бўйича ўтказилган кўрик-танловнинг шаҳар босқичида Мансур Абдулин 2-ўринга сазовор бўлди. Академик хонандалик йўналиши бўйича эса Аида Богаутдинова 3-ўринни эгаллади. Бундан ташқари тасвирий санъат бўлими ўқувчилари шаҳар миқёсида ўтказилган кўргазмаларда 1-2-даражали дипломлар билан тақдирланишган.

Дарҳақиқат, раҳбар опанинг фахр ила гапирганларини ўқувчилар қиёфасидаги шижоат ва интилувчанликда ҳам кўриш мумкин. Болалардаги бу иштиёқ уларни "Янги авлод" болалар ижодиёти кўрик-танловида ҳам ҳар йили иштирок этишга ундайди. Танловнинг 2012 йилги туман босқичида О.Эшмирзаев, С.Эргашхўжазода, З.Олимжонова, Р.Собирова, Д.Чеснокова, В.Тетовалар эстрада хонандалиги йўналиши бўйича ҳамда Шаҳодат Рихсибоева раҳбарлигидаги "Гулрух" дуторчилар ансамбли иштирок этиб, шаҳар босқичига йўлланма олдилар.

Эстрада хонандалиги ҳамда фортепиано йўналиши бўйича таҳсил олаётган Одилжон Эшмирзаев ўзининг тиришқоқлиги, истеъдоди ва санъат соҳасидаги ютуқлари билан мактаб жамоаси томонидан эътироф этилди. Биз ҳам у билан танишишга, фикр-мулоҳазаларини эшитишга ошиқдик. Одилжонни машғулот устида учратиб, гапга тутдик:

—Ёшлигимдан эстрада хонандалиги ва фортепианога қизиқаман. Шу йўналишларда устозларимдан билим ва кўникма олиб, уларнинг тажрибаларини ўрганяпман. Барча ютуқларимиз замирида мамлакатимизда биз ёшларга кенг имкониятлар яратиб берилаётгани, шу жумладан, мактабимизнинг янги қиёфада, замонавий жиҳозлар билан шакллантирилгани ва малакали устозлар таълимини олаётганимиз ётади. Устозларим ва ота-онамнинг ишончини оқлаб, ўз йўналишимда юқори поғоналарга эришишга бор куч-ғайратим билан ҳаракат қиламан.

Мактабда Одилжон каби истеъдодли, иқтидорли ва ҳаракатчан ёшлар жуда кўп. Уларга Неля Давлетшина, Гулноза Сафаева, Елена Мокина, Вера Неизвестная каби профессионал педагоглар сабоқ бериб келишмоқда.

Даргоҳнинг хореография зали замонавий кўриниш касб этиб, қулай имкониятлари билан ажралиб туради. Қолаверса, ўқитувчиларнинг таъкидлашича, ушбу зал шу йўналишдаги мактабларнинг хореография заллари орасида энг йириги ҳисобланар экан. Мана шундай қулайликлардан унумли фойдаланган ўқувчилар ютуқлар сари одимлаб бораётир.

Ушбу мусиқа ва санъат мактабида нафақат ўқув жараёнлари, балки ташкилий ишлар ҳам аниқ бир тартибда йўлга қўйилган. Яъни, ҳафтанинг ҳар шанбаси мактабда тозалик куни уюштирилади. Унда ҳар бир ўқувчи ва ўқитувчи даргоҳнинг озодалиги, саришта-саранжомлиги ва чирой очиб туриши учун беминнат ҳиссаларини қўшиб келадилар. Бу саъй-ҳаракатлар болаларда ён-атрофга нисбатан эътиборли бўлиш, ўз ери, масканига ўз мулкидай муносабатда бўлиш туйғусини шакллантирса, ажабмас.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган бу каби санъат ошёнларининг янада чирой очиши, ривожланиши, замонавий қиёфа касб этиши ва улар бағрида минглаб истеъдодларнинг шаклланиши юртимиз келажагининг порлоқлигидан далолатдир.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ЭЪТИРОФ

## Ёш бастакорлар танлови

***Юртимизда санъатга, айниқса, мусиқага бўлган эътибор катта. Бугун ёш истеъдодларимиз хорижий давлатларда бўлиб, халқаро мусиқа танловлари ва фестивалларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Ана шундай нуфузли танловлардан бири Украинанинг Симферополь шаҳрида бўлиб ўтди.***

Мазкур танловда ўзбекистонлик ёш бастакорлар ҳам иштирок этди. Ўзбекистон давлат консерваториясининг "Бастакорлик ва чолғулаштириш" кафедраси мудири, доцент, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати Ойдин Абдуллаевадан танлов таассуротлари ва шогирдларининг муваффақияти ҳақида гапириб беришини сўрадик.

— Қрим автоном республикаси ҳамда Украина Миллий бастакорлар уюшмаси ташкилотчилигидаги XII халқаро бастакорлар танловида Россия, Украина, Латвия, Арманистон, Белоруссия ва Ўзбекистон Республикасидан келган ёш истеъдодли бастакорлар ўз асарлари билан қатнашди. Шогирдларимдан Ўзбекистон давлат консерваторияси "Бастакорлик" ихтисослиги III курс талабаси, ёш бастакорлар танловлари лауреати — Нурали Эркаев ва IV курс талабаси Нодирбек Махаров катта олқишларга сазовор бўлиб, биринчи ўринни эгаллаб қайтдилар.

Нурали танловда ўзининг фортепиано учун прелюдиялар туркуми, скрипка ва фортепиано учун рондо, Зулфия шеърига басталанган "Тингла, булбул", танлов учун махсус басталанган "Паганини мавзусига вариациялар" номли асарларни ижро этди. Шунингдек, ёш композитор танловнинг "Импровизация" шартида ҳайъат томонидан берилган мавзуга саҳнадан туриб, ҳеч қандай тайёргарликсиз мусиқий асар яратиб, уни маҳорат билан ижро этишга муваффақ бўлди ва бу билан ҳайъат аъзоларининг эътиборини қозонди.

Нодир Махаров ушбу танловда ўзининг контрабас учун "Inner world", Умар Ҳайём рубоийларига басталанган "Тўрт рубоий" номли асарларини ижро этди. Ўзбекистонлик истеъдод эгасининг ижроси нуфузли ҳакамлар томонидан юксак баҳоланиб, Нодирбекнинг ижодида инновацион ғояларнинг маҳорат билан татбиқ этилганини мамнуният билан таъкидладилар. Умар Ҳайём шеърияти ва унга хос фалсафанинг мусиқада мукаммал равишда акс этгани алоҳида эътироф этилди.

Мутахассис сифатида шуни айтишим мумкинки, танловда мукаммал асарлар ижро этилди. Айниқса менга ёққани 10 ёшли энг ёш ижрочилардан тортиб, 15-17 ёшгача бўлган ўсмир болалар ижросидаги асарлар уларнинг ёшига ҳар жиҳатдан мос келган.

Танловда ўз ишининг устаси бўлган таниқли жаҳон композиторларининг асарлари ҳам ижро этилди. Муросасиз курашлар остида кечган танловда кучли истеъдод эгаларини кўрдим. Ўзимча ўринлар қандай қилиб тақсимланар экан, деб ўйладим. Сабаби, ижрочилар маҳорат жиҳатидан бир-биридан кам эмасди. Ҳайъат аъзолари ҳам жаҳонга таниқли буюк бастакорлардан иборат. Катта ёшдаги ижрочилар орасида биз юртимиз шарафини ҳимоя қилиб, ғолибликни қўлга киритдик. Бизга келгуси йили ҳам Украинада бўлиб ўтадиган мусиқа танловларига қатнашишни таклиф қилишди.

**Гўзал РАҲМОНОВА**

РИВОЯТ

Шогирд Эзопдан сўради:

— Не сабабдан донишмандлар бойларнинг ҳузурига келадилару, бойлар донишмандларнинг ҳузурига боришмайди?

Эзоп шундай жавоб берди:

— Бунинг боиси шундаки, донишмандлар ўзларига нима кераклигини яхши биладилар. Давлатмандлар эса билишмайди. Агар билишганда мол-дунё ғамида яшамасдан, донишмандлик пайида бўлардилар

БИЛАСИЗМИ?

АҚШ конституциясига асосан янги сайланган президентлар фақат чошгоҳда қасамёд қабул қиладилар.

* * *

Исроил, Ливан, Янги Зеландия, Умон ва Буюк Британияда конституция йўқ.

ТУРФА ОЛАМ

## Самолёт эмас, санъат асари

### ЗАМОНАВИЙ РАССОМЛАР ИСТАЛГАН БУЮМНИ САНЪАТ АСАРИГА АЙЛАНТИРА ОЛИШАДИ, ҲАТТО ЭСКИ ҲАРБИЙ САМОЛЁТЛАРНИ ҲАМ.



Эрик Файрстоун бошчилигидаги ўттиз нафар ёш ва иқтидорли рассомлар Аризона саҳросидаги металлолом уюмлари орасида ётган ташландиқ самолётларга янги ҳаёт бағишлашди. Дунёнинг турли бурчакларидан келган энг яхши урбанист-рассомлар бор маҳоратини ишга солиши натижасида "самолётлар қабристони" маданий-маърифий масканга айланди. Айни пайтда юксак санъат асарига тенглаштирилаётган эски самолётлар Тусон Аэрокосмик музейида сақланмоқда. Музей фонди йилдан-йилга янги ва антиқа самолёт моделларига бойиб бораётир.

## Махсус сканер

### ФРАНЦИЯ СУПЕРМАРКЕТЛАРИДА БАРМОҚ ОРҚАЛИ ТЎЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ МУМКИН.



Манбада келтирилишича, эндиликда харидорлар пластик карточкаларни чўнтакдан чиқармай туриб ҳам тўловни амалга ошира олади. Супермаркетларга ўрнатилган махсус сканер бармоқлардан нусха олади ва банк томонидан пластик карточкага киритилган биометрик маълумотларни солиштириб чиқади. Маълумотлар бир-бирига тўғри келиши билан сканер керакли суммани ечиб олади. Биргина ноқулай томони шуки, сканер ва чўнтагингиздаги тўлов карточкаси орасидаги масофа 2 метрдан ошмаслиги лозим.

## Антиқа уй

### ВАРШАВА ШАҲРИДА ДУНЁДАГИ ЭНГ ТОР УЙ БУНЁД ЭТИЛДИ.



Иморатнинг максимал даражадаги эни 150 сантиметр, минимал даражадагиси эса 92 сантиметрни ташкил қилади. Уч қаватдан иборат уйнинг меҳмонхона, ётоқхона, ошхона ва ваннахонаси бор. Ушбу антиқа уй архитектор Якуб Шесна томонидан лойиҳалаштирилган. Муаллифнинг фикрича, "космик кема"га ўхшаш уй тор бўлишига қарамай, албатта эгасини топади. Ҳозирда уй синовдан ўтказилаяпти. Уй яшаш учун яроқли, деб топилса бу ерга биринчи бўлиб ёзувчи-шоирлар кўчиб келиши кутилмоқда.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

2011 йил 17 октябрда реестр № 007058-10, гувоҳнома № 005388 рақам билан Юнусобод тумани тадбиркорлик субъектлари рўйхатидан ўтказилган «Matbuot Rivoji» МЧЖ ўз фаолиятини тугатмоқда.
Ҳ/р: 20208000004709019001, ИНН: 206962004, МФО: 00987
Даъво аризалари 1 ой муддат ичида қабул қилинади.
**Манзил: Юнусобод тумани, Амир Темур-Эргашов кўчаси, 1-уй, 24-хонадон.**
**Мурожаат учун телефон: 235-11-94**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
**ҲОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ
**Бош муҳаррир:** Жалолиддин САФОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1119, Адади — 4749. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Исмат ХУДОЁРОВ
**Навбатчи:** Зафар МУҲАММАД
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.00.
*ISSN 2010-7714*
12345